

Хабар

40
(1046)-son

5-oktabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

МУНОКАМА UCHUN MAVZU

Компьютер болалари-3



Сўнги бир неча ўн йилликда компьютер технологияси ўз тараққиётида мислсиз ўзгаришларни амалга оширди. Уйдаги компьютерлар аллақачон ҳеч кимни ҳайрон қолдирмай қўйди. Уяли телефонлар эса дабдабалиқдан заруриятга айланиб бўлган. XXI асрда яшайтган эканмиз ва бизни илмий-техникавий инқилоб ҳеч қаерга қўйвормас экан, келинг, замонавий техникаларни инсон соғлиғига, асосан, бола организмга таъсири ҳақида фикр юритамиз. Билим нафақат фан ютуқларидан тўғри ва самарали фойдаланишни, балки саломатликни сақлашни ҳам ўргатади. Ва, биринчи навбатда, бугун сиз билан бизни фарзандларимиз саломатлиги ҳақидаги масала қизиқтиради. Уларга замонавий жамият, янги ва янги пайдо бўлаётган турли тараққиёт маҳсулотларини танлашни қандай ўргатиш керак? Бунинг учун замонавий техникаларнинг салбий ва ижобий жиҳатларини аввало ўзимиз билишимиз, бу борада ҳар томонлама қуролланган бўлишимиз даркор.

5-бет

МЕҲРИБОНЛИК ЎЙИГА РАҚАМЛИ СПОРТ 3D КИНОЗАЛИ

АКТ ҳафталиги доирасида ижтимоий аҳамиятга эга "Болалар ўйи учун рақамли зал!" номли акция ўтказилди. 28 сентябр куни пойтахтимиздаги 21-Меҳрибонлик ўйи учун рақамли спорт кинозалини топшириш маросими ташкил этилди. Мазкур акция доирасида Ucell компанияси рақамли ўйин зали учун замонавий ускуналар мажмуини тақдим этди.

Ўзига хос ушбу рақамли спортзалда XBOX ўйин приставкаси ҳамда Kinect датчиги кўмагида ҳаракатдаги компьютер ўйинларини ўйнаш, мультимедиа дорсларни ўтказиш учун 3D-кинотеатри ишини ташкил этиш, HD форматдаги рақамли телевидение ва интернет тармоғига уланиш имконияти мавжуд.

Рақамли спорт кинозал диагонали 42 дюймлик LG Smart Cinema 3Dнинг сўнги русумдаги LCD телевизори, Microsoft XBOX 360 ўйин приставкаси, Kinect махсус датчиги ҳамда "blu-ray" намоёйишли замонавий ўй кинотеатри акустика тизими билан жиҳозланган.

11-бет

Сўнги янгилик!

Oregon Scientific компанияси болалар учун мўлжалланган МЕЕР планшетини сотува чиқарди.

Мини-компьютернинг корпуси мустаҳкам ишланган. 1 гигагерцли ARM Cortex-A8 процессорида ишлайди. 7 дюймли сенсор дисплейга эга.

Шунингдек, 512 Мб оператив хотира, 4 Гбли флеш-хотира, MicroSD картаси, 0,3-мегапикселли камера ҳамда Wi-Fi симсиз алоқа билан таъминланган.

Планшет болалар учун содалаштирилган интерфейсли Android 4.0 Ice Cream Sandwich амалиёт тизимида ишлайди. Қурилмада, албатта, ота-она назорати мавжуд бўлиб, керак-сиз сайтларга тақий қўйиш функцияси бор.

МЕЕР планшетининг нархи жаҳон бозорида ўртача 150 доллар атрофида баҳоланмоқда.



Алоқа оламида

Ушбу сонда:

■ Сиёсий модернизация жараёни ва АКТ	2
■ Ахборот оламининг ёруғ келажаги	3
■ Ишбилармонликка кенг йўл	4
■ Когда компьютер становится другом	6
■ "Айтилганлар кетади, ёзилганлар қолади"	12
■ Ёш бўлса ҳам катта ишларга бош	13

Теледастурлар, спорт, сканворд

**Umadan
umagacha**



InfoCom 2012

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов**
Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан, 2012 йил 1-2 октябр кунлари расмий ташриф билан Ашхобод шаҳрида бўлди. Олий даражадаги учрашув чоғида Ўзбекистон билан Туркменистоннинг кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар бўйича фикр алмашилди. Музокаралар якуни бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилинди, шунингдек, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

2012 йилнинг 28 сентябр кунини пойтахтимиздаги "Бунёдкор" спорт комплексининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Тантанали маросимда санъат усталари ва ёш истеъдод соҳиблари ижросида Ватанимизни улдуғловчи куй-қўшиқлар янгради.

28 сентябр кунини "Туркистон" саройида ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўлаган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди. Тантанали йиғилишда санъаткорларнинг байрам концерти намойиш қилинди.

Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган давлат гранти танловларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тошкентда "Theatre.UZ/2012" учинчи халқаро театр фестивали давом этмоқда. Фестивал "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбек-театр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ёшлар театри ҳамкорлигида ташкил этилди.

Жорий йилнинг сентябр ойида Франциянинг Париж шаҳрида "IFTM Top Resa-2012" ҳамда Япониянинг Токио шаҳрида "JATA Tourism Forum & Travel Showcase-2012" халқаро сайёҳлик кўргазмалари бўлиб ўтди. Мазкур кўргазмаларда мамлакатимизнинг туристик салоҳияти кенг намойиш этилди.

АКТ ҳафталиги доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда жорий йилнинг 28 сентябр кунини "Сиёсий модернизация жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг долзарб вазифалари" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказди.

Сиёсий модернизация жараёни ва АКТ

Конференция ишида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, ахборот соҳасининг мутахассислари иштирок этдилар.

Ушбу конференцияни ўтказиш долзарблиги мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқади. Конференция ишида сўзга чиққанлар бугунги сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозимлиги юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқлари, интернет хизматларини ривожлантириш мақсадида кенг қўламли ислохотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Ахборот технологиялари, телекоммуникациялар, мобил алоқа, рақамли телевидение, интернет хизматлари соҳасида жуда қўллаб янгиликлар, технологик ечимлар яратилган.

Конференция катнашчилари томонидан Ўзбекистонда АКТ соҳасидаги миллий қонунчилик халқаро ҳуқуқий нормаларни ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда такомиллаштириб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтилди. Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг барқарор суръатлар билан ошиб боришида АКТ соҳаси ўз аҳамиятини намоян қилмоқда. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги компания, корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда хизмат кўрсатиш даражаси жадал суръатлар билан ошиб бориб, янги технологиялар, инновацион ечим ва лойиҳалар жамият ҳаётининг барча соҳаларига кенг жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгиланган ахборот соҳасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.



Анжуман давомида давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ва ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослиги ва ўзаро алоқада ишларини таъминлаш, ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини янада ривожлантириш принциплари ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари, ахборотлаштириш ресурсларидан самарали фойдаланиш, ягона ахборот маконини тараққий эттириш каби масалалар муҳокама этилди.

Маърузаларда давлат органлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар ахборот тизимларининг босқичма-босқич интеграциялашуви асосида миллий ахборот тизимини шакллантиришни таъминлаш, давлат органларининг ўз функцияларини бажаришида тезкорлик ва сифатни оширишга имкон берувчи фаолиятини автоматлаштириш ахборот тизимларини яратиш, давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, тегишли ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишни таъминлаш жараёнларининг кенг ёритиб ўтдилар. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари ўз чиқишларида ахборот ресурслари, технологиялари ва тизимларини, шу жумладан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимларини ривожлантириш ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қонунчиликни ҳамда бошқариш тизимини такомиллаштириш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини ҳамда бир қатор аниқ таклифлар билдиридилар.

Нотиклар ўз чиқишларида 2012-2014 йилларда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш дастурини бажарилиши

бўйича ҳар томонлама ва батафсил ахборот бердилар. Жумладан, шу йиллар давомида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг миллий ахборот тизимига уландилган ахборот тизимлари рўйхатига киритилган бир қатор долзарб лойиҳалар бажарилишининг бориши тўғрисида маълумот берилди. Хусусан, тадбиркорлик ва тижорат фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни ривожлантириш ва рағбатлантириш; ўтказилган ва олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижалари тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, ишлаб бериш, тизимлаштириш ва сақлаш, уларни амалиётга жорий этиш самараси; ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида йиғма электрон каталогни яратиш ҳамда тўла матнли маълумотлар электрон базасидан фойдаланишни таъминлаш масалалари шулар жумласидандир.

Ўтказилган тадбир ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳаси, маълумот узатиш тармоқларини ривожлантириш ҳолатини таҳлил қилишга ҳамда ҳозирги замон талаблари ва халқаро стандартларга мос равишда алоқа ва ахборотлаштириш миллий тизими фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга имкон берди.

Илмий-амалий конференция ишининг якуни бўйича мамлакатимизда сиёсий модернизация жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг қўламда фойдаланишни таъминлаш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳафиза КАРИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси депутати,
ХДП фракцияси аъзоси,
Ахборот ва коммуникация
технологиялари масалалари
қўмитаси аъзоси

АКТ ҳафталиги

NAVOIY

Аввал хабар қилганимиздек, Навоий шаҳридаги "Ширин" маданият саройида икки кун давомида "ICTEXPO-2012" ахборот технологияларининг аънавий миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Тадбирда "Telecom Innovations" қўшма корхонаси интернетга кенг қамраб олиниш имконини берувчи ADSL модемлар, рақамли телевидениега мўлжалланган "Set-Top-Box" қурилмалари, "East Telecom" КК Навоий бўлими эса телефон хизматлари, видеотелефония, юқори тезликдаги интернет, IPTV, видеоконференцалока (NGN технологиясида бир абонент телефон линиясини 8тадан 32тага кўпайтириш ускунаси), "Ўзбектелеком" АК Навоий филиали, "Бизнесни Ривожлантириш Маркази", "ЎзМобайл" филиали Навоий боғламаси видеоконференцалока хизмати (телевизор плазма, видеокамера, микрофон, интернет хизмати: Модем DSL-ZXV10H201 (Wi-Fi), Модем DSL-ZXW-300 (Wi-Fi), Модем ZXDSL 8311V10H201, Ноутбук, CDMA-450 стандартидаги симсиз алоқа тизимлари - интернет тармоғига уланшиш имконияти бўлган AP-310 русумли стационар терминал ва бир неча турдаги мобил телефон аппаратлари, видеотелефония хизмати, "Unitel" МЧЖ Навоий шаҳар филиали, Билайн мобил хизматлари, 3G USB Modem ва 3G мобил телефон аппаратлари, Навоий вилояти хокимлиги ҳузуридаги "Компютерлаштириш маркази" замонавий компютер хизматлари, "Алоқабанк" Навоий филиали банк хизматлари, Турон медиа рақамли эфир-кабел телевидение хизматлари (40та канал), "TSITO-NAVOIY" MCHJ сайтлар яратиш хизмати, электрон пуллар тизими, хостинг ва домен олиш хизматлари, NAV.Uz сайти интернетда рекламалар жойлаштириш ва ижтимоий лойиҳаларни тарғиб қилиш, "Ucell" мобил алоқа хизматлари, 3G USB Modem ва 3G мобил телефон аппаратлари, Навоий "Матбуот тарқатуви" шўъба корхонаси интернет орқали обунани қабул қилиш, матбуот нашрлари сотуви, "RICOM" КТВ кабел телевидение хизматлари 33та канал, "Desigh all inclusive" МЧЖ ташки ва ички дизайн ва барча турдаги реклама хизматлари, А.Қодирий номидаги ахборот-кутубхона маркази адабиётларнинг тўла матили электрон шаклдаги нусхалари,

Ахборот оламидининг ёруғ келажаги

кўргазма таассуротлари

ри, миллий нашрлар маълумотлар базалари, электрон дарсликлар, АКМ бўлим ва секторлари томонидан тузилган буклет ҳамда қўлланмалар, электрон такдиротлар, "LG Electronics" эса 3D телевизорлари рекламаси билан иштирок этди.

— Навоий вилоятида ҳам алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда, — дейди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Навоий ҳудудий бошқармаси бошлигининг ўринбосари Хасанжон Қаюмов. — Хусусан, бугунги кунга келиб, вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидаги мавжуд телефон станциялари тўлиқ рақамлаштирилди. Магистрал алоқа линиялари туман марказлари даражасига оптик толали кабеллар асосида реконструкция қилинди.

Вилоятимиздаги барча шаҳар ва туман хокимликлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ўртасида ягона корпоратив тармоқ ва унда электрон ҳужжат айланиши тизимлари тўлиқ жорий этилди.

— Бу анжуманда биз ҳам фаол иштирок этдик, — дейди навбатдаги суҳбатдошимиз Навоий вилоят хокимлигининг "Компютерлаштириш маркази" давлат унитар корхонаси раҳбари Шерзод Нортожиев. — Марказимиз бугунги кунда дастурий маҳсулотлар яратиш, интернет тармоғида миллий веб-ресурсларни шакллантириш, веб-сайтлар яратиш, миллий UZ домен зонасида домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва хостинг хизматлари, лицензияли дастурий маҳсулотлар билан таъминлаш, компютер техникаларига сервис хизматларини

кўрсатиш, локал ва корпоратив тармоқларни ташкил этиш, электрон ҳужжат айланиши ҳамда ҳимояланган корпоратив почта тизимларини жорий этиш, мултимедиа ва такдирот ишларини тайёрлаш, полиграфия ва дизайн ишларини тайёрлаб бериш каби ўнлаб хизмат турларини кўрсатишга қодир. Бундай кўргазмалар бизнинг мазкур соҳадаги

қандаров махсус дипломларни топишди:

"Стендинг энг яхши ахборот таъминоти учун" номинациясига Beeline компанияси, "Стенди энг яхши техник жиҳозлаш учун" номинациясига "Ўзбектелеком" АК Навоий филиали, "Энг кўп ташириб буюрилган стенд" номинациясига Ucell компанияси Навоий



тажрибамизни янада мустаҳкамлайди, ҳамкорларимизни кўпайтиради ва замонавий ахборот хизматларини эгаллашмизга имкон яратлади.

Кўргазмада иштирок этган 20дан ортиқ алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ташкилот ва муассасалар томонидан реклама ва тарғибот материаллари тарқатиш, замон билан ҳамнафас видеороликлар намойиш этиш билан бир қаторда, кизикарли савол-жавоблар ва викториналар ҳам ташкил этилиб, мухлисларга эсдалик совғалари улашилди.

Яқунда фаол иштирокчи ташкилотларга Агентлигининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Худойкул Ис-

филиали, "Стендинг энг яхши дизайн учун" номинациясига вилоят "Компютерлаштириш маркази", "Стенд ходимларининг энг яхши иши учун" номинациясига Tsito NAVOI муассасаси сазовор бўлди.

Кўргазма ахборот асрининг яна бир янги парвози сифатида соҳани ривожлантиришга янги қанот бўлиши, шубҳасиз. Шунингдек, у янгиликка, замонавий ахборот оламидаги тараққиётга интилувчан ёшлар қалбига олам-олам кизикчи ва таассуротларга бой бўлди.

Маруза ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий
вилоятидаги мухбири

SURXONDARYO

ОЛТИН КУЗ Термизда кўргазма

Ёшлар ахборот технологияларидан фойдаланиш борасида аҳолининг энг фаол қатлами ҳисобланади. Гап шундаки, ахборот-коммуникация технологияларининг мамлакатимизда жадал ривожланаётгани уларга тезкор ва чуқур билим олиш имкониятларини бермоқда. Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида ҳам ўз компютер тўламига эга бўлмаган ва интернетга уланмаган мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи деярли қолмаган. Бу замонавий қудайлик шубҳасиз, истиснолуқ тўғайлидир.

Эътиборлиси, вилоят ёшларига яратилган ана шу кенг имконият манбалари тобора чуқурлаштирилиб бориляпти. Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасидаги тадбирларнинг галдаги манзилларидан бири сифатида қадимий шаҳар Термизнинг танланиши бежиз эмас. Юртимиз жанубида ҳам пухта илм ағаллаш учун компютерда турли маълумотларни топишга, жажон ахборот макони-

дан оқилна фойдаланиш салоҳиятини оширишга иштиёқманд ўғил-қизлар етарли. Шунинг учун ҳам ҳафталиқнинг 26-27 сентябр кунлари уларда катта таассурот қолдириди.

Термиз ахборот технологиялари ва машини хизмат касб-ҳунар коллежига тўпланганлар дастлаб "ICTEXPO-2012" ахборот-коммуникация технологиялари кўргазмасининг очилиш маросимига гувоҳ бўлишди. Тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Рустам Тўхтаминев, Термиз шаҳар хокими Неъматулла Соатов ва бошқалар аънавий кўргазманинг аҳамияти ҳақида сўзлашди. Айниқса, ҳафталик доирасидаги "Ахборот технологиялари - ёшларга!" хайрия тадбири сабаб вилоятнинг Жарқўрғон туманидаги Қайди транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежига 15та компютер, битта кўп функцияли нусха қўчириш ва чоп этиш мосламаси жамланмаси билан жиҳозланган компютер синфи берилганлиги алоҳида эътироф этил-



ди. Ўз навбатида, энг зарур ва муносиб тухфага ҳомийлик қилгани учун "Ucell" компаниясига миннатдорлик билдирилди.

Икки кун давом этган кўргазмада вилоятдаги 16та жамоа ўз фаолиятларидаги сўнги янгиликларини намойиш этди.

Мухими шундаки, тадбирга вилоят алоқа корхоналарида кўп йил самарали хизмат қилиб, бугун фахрийлик гаштини сураётган алоқачилар ҳам тақдир этилди.

— Мен онлавий алоқачилар хонадонининг бекаси Жумагул Муродоваман, — деди устозлардан бири. — Бу ерга турмуш ўртоғим, алоқа соҳаси фахрийси Ашурали Даминов билан келдим. Ростини айтсам, ахборот-коммуникация технологиялари ривожини кўриб, беҳад қувон-

дим. Умид қиламанки, фарзандларимиз унинг хар томонлама намунали ўтди. Тадбир якунида "Ўзбектелеком" АК ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиаллари, "Ucell" ҳамда "Alskom" компанияларининг вилоят бўлимлари кўргазмада фаол иштирок этганликлари учун эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

Xalqaro haqot



АФГОНИСТОНдаги Халқаро хавфсизлик кучлари ҳарбий қисмлари режалаштирилган муддатидан олдинроқ ушбу мамлакатни тарқ этиши мумкин, деб маълум қилган The Guardianга берган интервьюсида Алянс бош котиби Андерс Фог Расмуссен. "Биз 2014 йил охиригача Афғонистондаги ҳарбий хизматчиларимиз сонини қисқартириш, олиб чиқиш ва қайта тақсимлаш ҳақида маълумотга эгамиз. Мен бу жараён теаланиши мумкинлигини ҳам истисно қилмайман", — деган у.

Унинг айтишича, НАТО ҳарбий бошляги ҳарбийларни олиб чиқиш ва қайта жойлаштириш бўйича турли вариантларни кўриб чиқмоқда.

АНГЛИЯлик олимлар полинозо — аллергик касалликларга қарши вакцина ишлаб чиқди. Ушбу препарат ёрдамида энди чанг ва турли ўсимликлар таъсирида аллергияси кўзгайдиган беморлар акса уриш ва йўталдан халос бўлиши мумкин. Лондон Қироллик коллежи ходимлари томонидан ишлаб чиқилган мазкур вакцина бошқа дориларга нисбатан анча арзон ва жуда самарали.

Экспертларнинг сўзларига кўра, янги препаратни қўллаш орқали аллергик касалликка чалинган беморлар энди оз фурсат ичида бу ёқимсиз балодан бутунлай қутулиш имконига эга бўлади.

БРИТАНИЯлик ишловчиларнинг ҳар тўрттадан кўпроги тушқунлик ҳолатидан азият чекишади. Умуман олганда, европаликларнинг ҳар ўнинчисида тушқунлик мавжуд. Mori агентлиги томонидан Буюк Британия, Германия, Италия, Дания, Туркия, Испания ва Францияда етти минг киши ўртасида ўтказган сўровномада шундай натижага келинди.

Ушбу рухий парокандалик Буюк Британиядаги офис ходимларида кўп учрайди: сўровда қатнашганларнинг 26 фоизи тушқунлиги сабабларини айтиб берган. Рўйхат охирида — Италия: бу ерда кўрсаткич 12 фоиз. Германия ва Данияда эса иш сифати мазкур муаммога кўпроқ сабаб экан. Умуман, респондентларнинг 20 фоизи ҳаётида бир марта бўлса-да рухий тушқунликдан халос бўлиш учун шифокорга мурожаат қилган. Ҳар тўртинчиси эса иш берувчисига рухий тушқунлигини билдирмасликка уринишади.

ЖАНУБИЙ АФРИКА

РЕСПУБЛИКАСИдаги конларнинг бирита қарийб йигирма қаратли олмос топилди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, ушбу олмос ўлчама билан эмас, балки ноёблиги, тиниқлиги ва саккиз кирралиги билан ажралиб туради. Мазкур мамлакатда сифатли ва ноёб олмосларга бой конлар жуда кўп.

СИНГАПУРда сақич чайнаш тақиқланганига 20 йил бўлди. 1992 йилдан буён амал қилаётган бу тақиқ сингапуриликларни сақич чайнашдан маҳрум этмоқда.

Маакур қарордан мақсад санитария-гигиена қоидаларига — озодликка риоя этишдир. Боиси, ушбу қарорғача мамлакатда тўғри келган жойга сақич ёпиштириб кетини урф бўлган. Оқибатда жиддий муаммолар юзага келган. Масалан, метрополитен релсига ва ёшиқларига сақич ёпиштириш фожиага сабаб бўлган. Маълумотларга қараганда, сақиччи зарур ҳолларда дорихоналардан сотиб олиш мумкин.

Ишбилармонликка кенг йўл

Мамлакатимиз ўзининг қарийб йигирма бир йиллик мустақил тараққиёти давомида ҳаётнинг барча соҳа ва тармоқларида оламшумул ютуқларни қўлга киритди, миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаган ҳолда дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, том маънодаги озод ва суверен мамлакатга айланди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириши рағбатлантириш йўлидан изчил олға силжиш борасида кенг қўламдаги чора-тадбирлар комплексини қабул қилинди.

Президентнинг 2012 йил 16 июл кунидаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш тўғрисида"ги ҳамда 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари хусусий тадбиркорлик субъектларига эркин фаолият юритишлари учун янада кенг имкониятлар берилганлигидан далолатдир.

Жумладан, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб руҳсат беришга оид 80та тартиб-таомилни, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15тасини бекор қилиш ва бирлаштириш ҳисобига бекор қилиш, 2013 йил 1 январдан бошлаб барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисоботи тақдим этиш бекор қилини-

ши шулар жумласидандир.

Мазкур фармонлар билан Юртбошимиз тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни қулайтириш, бюрократик ғовларни тугатиб бориш, рўйхатга олиш ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини, ҳисоб-китоб ва ҳисоб-тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини мукамаллаштириш эвазига мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун янада қулайроқ шарт-шароитларни яратиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳиссасини оширишни, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолашнинг жаҳон амалиётида умумқабул қилинган халқаро мезонларини кенг жорий этиш ҳамда етакчи халқаро молиявий-иқтисодий ва рейтинг ташкилотларининг юқори баҳо кўрсаткичларига эришишни, ички бозорда рақобатни янада чуқурлаштириш, мулкчилик ва фаолиятни ташкил қилиш шаклларида қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектлари учун бизнесни юритишда тенг шароитлар яратиш, бозор тамойиллари асосида моддий хом ашё ва кредит ресурслари-

дан фойдаланишга, давлат харидларида ҳамда маҳсулотларни сотиш ва пудрат ишларини амалга ошириш борасидаги танлов савдоларида иштирок этишга кенг имкониятлар яратиш беришни, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишда, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашда, рўйхатга олиш ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда, ер майдонларини ажратиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини кредитлашда давлат, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевосита муносабатни такомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини мукамаллаштириш эвазига мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун янада қулайроқ шарт-шароитларни яратиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳиссасини оширишни, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолашнинг жаҳон амалиётида умумқабул қилинган халқаро мезонларини кенг жорий этиш ҳамда етакчи халқаро молиявий-иқтисодий ва рейтинг ташкилотларининг юқори баҳо кўрсаткичларига эришишни, ички бозорда рақобатни янада чуқурлаштириш, мулкчилик ва фаолиятни ташкил қилиш шаклларида қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектлари учун бизнесни юритишда тенг шароитлар яратиш, бозор тамойиллари асосида моддий хом ашё ва кредит ресурслари-

дан фойдаланишга, давлат харидларида ҳамда маҳсулотларни сотиш ва пудрат ишларини амалга ошириш борасидаги танлов савдоларида иштирок этишга кенг имкониятлар яратиш беришни, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишда, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашда, рўйхатга олиш ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда, ер майдонларини ажратиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини кредитлашда давлат, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевосита муносабатни такомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини мукамаллаштириш эвазига мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун янада қулайроқ шарт-шароитларни яратиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳиссасини оширишни, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолашнинг жаҳон амалиётида умумқабул қилинган халқаро мезонларини кенг жорий этиш ҳамда етакчи халқаро молиявий-иқтисодий ва рейтинг ташкилотларининг юқори баҳо кўрсаткичларига эришишни, ички бозорда рақобатни янада чуқурлаштириш, мулкчилик ва фаолиятни ташкил қилиш шаклларида қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектлари учун бизнесни юритишда тенг шароитлар яратиш, бозор тамойиллари асосида моддий хом ашё ва кредит ресурслари-

З.ЖАВЛИЕВ,
Давлат алоқа инспекцияси
I тоифали юрисконсулти

OBUNA-2013

Жамоатчи тарқатувчиларга таяниб

Вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонасидаги маълумотда мавсумни яхши бошлаганлар алоҳида рўйхат қилинган экан. Қаторда Бойсунни ҳам кўриб рости севиниб кетдим. Беихтиёр шўъба корхонанинг туман бўлими бошлиғи Баҳром Умаров билан ижодий сафарим чоғи бўлган суҳбат ёдимга келди.

Ушанда Баҳром ака "Туманимизда газета-журналларга ихтиёрий ёзилаётганлар сони йил сайин кўпайиб борапти" — деган эди.

Сир эмас, бу фаоллик замирида нафақат газетчилик, балки чинакам ватанпарварлик туйғуси ҳам мужассамлашган. Дарҳақиқат, даврий нашрларни мунтазам кузатиб борган киши ўзини хамиша маънавий уйроқ ҳис этади. Оламдаги ўзгаришлардан хабардор бўлгани учун ҳар қандай ёлғон, ваҳимали гапларга ишонмайди.

— Туманимизда ўндан ортик

тоғолди кишлоқлари бор, — дея бўлимнинг жамоатчи тарқатувчилари фаолиятига тўхталиди Баҳром Умаров. — Бу чекка манзилларга хизмат кўрсатишимизда жамоатчи тарқатувчиларимиз ёрдами катта бўлмоқда. Улар бизнинг рағбатимиздан кўра, узоқ хонадонларга эзгулик ёғдуларини етказаятганидан хурсанд! Хусусан, Самия туманининг Авлод ва Сарносёе кишлоқларидаги газетчилик учун энг яқин кишига айланиб қолган. Ҳозир у 2013 йилги даврий нашрлар обунасини ҳам намунали ташкил этмоқда.

Бойсуннинг тоғолди кишлоқларидаги газетчилик орасида юз билан юзлашган нуруний замондошларимиз ҳам бор. Икки ва уч аср гувоҳи бўлишган бу табаррук кишилар матбуотда тобора гуллаб-яшнаётган Ватанимиз ҳақида кўп ва хўп ёзилаётганини билиб боришмоқда. Яқинда дарбандлик Шайдамбобо Рамазоннинг чевараси пойтахтимиздаги «Бунёдкор» спорт комплексининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги давлатимиз раҳбарининг нутқини "Халқ сўзи" газетасидан ўқиб берди. Шайдамбобо тўқин ва обод Ватанимизда рўй берган ўзгаришлардан яна

бир бор хабар топиб, эл-юртта тинчлик тилади.

Насиб этса келгуси йилда Бойсундаги кўплаб хонадонларга газета-журналлар етиб боради. Шу мақсадда вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонасининг туман бўлими мавсумий тадбирлар муваффақиятини таъминлашга астойдил ҳаракат қилмоқда. Бунда Бойсун туман ҳокимлигининг амалий ёрдами катта бўляпти.

Тўғри, тоғли туманда "Матбуот" дўконлари хали бармоқ билан санарли. Яқин келажакда "Туз бозор" маҳалласидаги дўкон сотувчиси Олия опа Азимова каби тажрибали матбуот тарқатувчилар сафи кенгайди. Дарвоқе, яқинда туман тиббиёт бирлашмаси қошида янги "Матбуот" дўкони иш бошлади.

Умид қиламизки, замонавий шохобчалар сафининг кенгайиши вақтли матбуотнинг халқ орасига янада чуқурроқ кириб боришида ижобий рол ўйнайди. Биз эса Баҳром Умаров бошлиқ бўлимнинг амалдаги мавсумини ҳар жиҳатдан намунали янқулашига ишонамиз.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё
вилоятидаги муҳбири

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Меъёрни унутмайлик

...Бола улғаяр экан, атроф-оламни фаол ўрганишни бошлайди ва, табиийки, технологик асбоб-ускуналарга дуч келади. Шу билан бирга, компютер билан мулоқотга киришади. Ўз навбатида, ҳар бир ота-она ҳақли саволлар гирдобиди қолади: бу бола соғлиғи учун қанчалик зарарли? Замоновий даражадаги техникаларнинг зарари бола ва умуман исталган ёшдаги фойдаланувчилар учун бирданига кўзга ташланмайди, балки ақлий ва асабий ҳолдан тойиш аломатлари билан аста-секин намоён бўлиб боради. Экспертлар ушбу аломатларни аниқлашган: кўз қуриши, мигрен туридаги бош оғриғи, белдаги оғриқ, овқатланиш ва уйқунинг бузилиши, уйку тартибининг ўзгариши.

Американинг педиатрия академияси тавсиясига кўра, икки ёшгача бўлган болаларни компютерга умуман яқинлатиш керакмас. Шахсий компютер билан эрта танишиш овоз ва нутқ сохаларига зарар етказиб, зехн ривожланишига ҳаддан ташқари салбий таъсир кўрсатади. Бу борада бахшлашиш қийин, ушбу ёшда, ҳаттоки оталарни ҳам фарзандларидан кўпроқ қизиқтириб турган бир вақтда, компютер болага қизиқарли кўринишдаги ўйинчоннинг бир тури сифатида кўриниши мумкин.

Келинг, компютерни, масалан, Дюма ҳикоялари тўпламига алмаштириб кўрамиз. Аёнки, бола учун худди шу каби аломатлар тавсифланади, яъни болани саргузаштларга бой ушбу қизиқарли китобдан ажратиб бўлмай қолади — уни куну тун (кўрпа остида фонар билан бўлса ҳам) ўқишга тушади. Демак, бу ерда муаммо компютер билан боғлиқ эмас, муаммо — ақли ўз вақтида тўғри тақсимлашадир. Болалар ва ўсмирлар муайян ёшда ўз-ўзидан қандайдир ишга қизиқиб қолади. Ота-оналарнинг вазифаси — болага кун тартибидан тўғри фойдаланишга кўмаклашишдир. Бу борада мунозара кетганда, кўпчилик болани бирор спорт тури билан банд қилишни маслаҳат беради. Аммо, шуни унутмаслик керакки, спорт билан шуғулланишни ҳам ҳаддан зиёд ошириб юбориш бола соғлиғига зарар келтириши мумкин. Хар нарсада меъёр бўлгани яхши.

Кучли ёки ақлли

Энг кўп тарқалган хато, бу — бола ўстиришда икки моделнинг бир-бирига қарама-қарши қўйишдир: "кучли" ёки "ақлли". Миямизда узок ўтмишимизга хос бўлган стереотип усуллар қотиб қолган: барча ишга қодир жисмоний тарбиячи-спортчи ёки доимо жисмоний тарбия фанларидан озод қилинган кўзойнакли интеллигент. Кўплаб ота-

оналар фарзандларини болалиқдан у ёки бу усулда тарбиялашга ҳаракат қилишади. Психологларнинг фикрича, ҳаёт давомида болага сингдирилган дастурни ўзгартириш жуда ҳам қийин. Шу боис, йўналиш бераётганда боланинг қизиқишларини ҳам инобатга олиш керак ва шунда ҳаммаси ўз ўрнига тушади.



Компютер болалари-3

Компютер ижод учун, ишда, дам олишда қулай восита сифатида ҳаётимизнинг бир қисмига айланган. Лекин, бутун вақтимизни компютер техникасига сарфлашимизнинг бизга ҳам, фарзандларимизга ҳам қизиғи йўқ, чунки ўзимизнинг ва фарзандларимизнинг ҳаётида машғул бўладиган бошқа муҳим нарсалар ҳам бор.

Статистика алдамайди

Компютер ўйинлари — бу юқори тезлик билан ривожланиб бораётган

йирик саноат. Масалан, мана, рейтинглардан бирида келтирилган энг яхши оммабоп ўйинлар бешлиги: Gears of War 3, Batman: Arkham City, Crisis 3, Mortal Kombat и Battlefield 3. Аммо ҳар бир инсон психологияси алоҳида, шу боис ўйинларга бўлган талаб ҳам турличадир.

Статистика бўйича, компютер ўйинларини тахминан эллик миллион киши ўйнайди. Бу одамлар жамиятнинг турли табақаларига мансуб: ўқитувчилар, ишбилармонлар, сиёсатчилар, қурувчилар... вақт ўтиши билан компютер ўйинлари саноати тараққиёти ва қондалари ўсиши натижасида одамлар компютерларга кўпроқ тобе бўлиб қолишмоқда, компютер ўйинлари эса тора ёшариб борапти.

Компютер ўйинлари хавфлими? Бу савол ҳар йили такрор ва такрор

майдиган бу одамда психологик муаммолар пайдо бўлади.

Психологлар маълумоти бўйича, ўйинпарастларнинг тахминан ярмида жиддий психологик муаммолар мавжуд. Бошқа тарафдан қаралганда эса реал ҳаётда психологик муаммоларни бошдан ўтказган одамлар компютер ўйинлари ёрдами билан чин маънода шифо топомқдалар.

Шунинг учун болаларнинг компютердаги ўйинларини қузатиш алоҳида эътибор талаб қилади. Замоновий ёшлар китоблар, театр ёки спортга кўра телевидение ва компютер ўйинларига кўпроқ қизиқшади. Нега? Социологлар ва психологлар бу тенденцияни умуман тасодифий эмас деб ҳисоблайдилар. "Популяцион синдром" — бу болалар руҳий фаолиятидаги бузилишдир. Авваллари бу бузилиш ақлий ривожланишнинг тўхтаб қолиши ҳисобланган, ҳозирда эса бу меъёрий ҳолатга айланган. Ўйин ўйнаётган бола интеллектуал қобилият ва шахсий психик фаолиятни эмас, компютерни ўзлаштириб олади. Компютер билан мулоқотда максимум вақтни йўқотиш жамиятнинг инкирозга олиб келадими ёки йўқми? Бу саволга олимлар жавоб топишга ҳали ожиздир.


Ўзингиз танланг

Компютер ўйинлари борасида одамларнинг фикри турлича. Бири бундай ўйинлар мантикий фикрлашни ва реакция тезлигини ривожлантиради (масалан, инглиз тилидаги ўйин версияси хорижий тилни такомиллаштиради, мия ишлайди), деб ҳисоблайди. Иккинчиси — ўйин зўриқини олади, чарқокни чиқариб, дам олдиради, деса, учинчиси — компютер ўйинлари мияни ачитмайди, балки импульсни оширади, деган фикрда. Умуман олганда, фикрлар турлича. Ўйинчи назорати остидидаги виртуал воқеалик эса чегараларни писанд қилмай тарқалиб бормоқда. Танлаш ўз ихтиёрингизда.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ

Таҳририятдан

Азиз газетхон, қадрли ота-оналар. Газетамиз саҳифаларида замонавий техникалар, асосан, компютерларнинг фарзандларимиз соғлиғига курсатадиган ижобий ва салбий таъсирлари ҳақида туркум мақолалар бериб бораёلمиз. Мақолаларда имкон қадар ушбу мавзунинг очиб беришга ҳаракат қилаёلمиз. Аммо, биз учун сизнинг фикрингиз ҳам муҳим. Фарзандларимизни компютер техникаларининг салбий таъсирларидан ҳимоя қилишнинг яна қандай чоралари бор? Биз барча ўқувчиларимиздан, ота-оналардан, соҳа мутахассисларидан мазкур саволга жавоб кутиб қоламиз.



Тингланг: Аудиокитоблар

Тошкентдаги "Steel Pantera" масъулияти чекланган жамияти томонидан профессионал актёрлар, расомлар ва овоз режиссёрлари билан ҳамкорликда аудиокитоблар чиқариш йўлга қўйилди. "Steel Pantera" турли жанрдаги бадий адабиётларни овозли шаклга ўтиришни мақсад қилган. "Бизнинг асосий аудиториямиз, албатта, болалар. Материал танлашда болалар адабиёти ва мактаб дастуридаги асарларга алоҳида эътибор қаратилади. Шубҳасиз, болалар учун қизиқарли бўлган нарсалар, катталар, яъни ота-оналар, бобо-буваларнинг эътиборини ҳам тортади. Катталар ўз

фарзандлари ёки неваралари билан бирга "Ўзбек халқ эртақлари" албomini ёки Фафур Фуломнинг "Шум бола" кассасини тинглаши, янги сўзларнинг маъносини тушунтириб бериши, эшитганларини ҳаётдаги вазиятларда қўллашнинг маъноси ҳақида сўхбатлашшнинг мумкинлиги жуда яхши эмасми? Бу билан улар ўз фарзандларининг сўз бойлиги ошишига, тафаккури ва нутқининг ривожланишига кўмаклашадилар", — дейди лойиханинг бадий раҳбари Елена Бурова.

Унинг фикрича, мактаб дастуридаги асардан бевоқиф дарсинг ўзида парча эшитиш катта сама-

ра бериши мумкин: профессионал актёрлар томонидан ўқиб берилган аудиокитоб бадий материални етказиб беришда адабиёт ўқитувчисининг энг яхши ёрдамчисига айланади. Бевоқифа синфда асарни биргалликда эшитиш ва кейин муҳокама ҳамда таҳлил қилиш ижодий қабул қилиш ҳиссини уйғотди ҳамда ўқувчиларнинг фикрлаш қобилияти ривожланишига хизмат қилади.

"Steel Pantera" келгусида Абдулла Қаҳҳор ва Фафур Фулом ҳикояларини, Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар"и, Сергей Бородиннинг "Самарқанд осмонидидаги юлдузлар" романи, болалар учун "Шарқ эртақлари" албominiнинг давоми сифатида дунё халқлари эртақларини аудиокитоб шаклида чиқариши режалаштирган.

Когда компьютер становится другом

В Узбекистане началась разработка курсов по компьютерной грамотности и освоению интернета для людей старше 50 лет.

Век цифровых технологий компьютерная грамотность становится для человека мерилом, с помощью которого часто определяется его общественная активность. Люди старше 50 лет по этой причине иногда теряют социальную значимость. В Узбекистане именно для этой целевой аудитории началась разработка курсов по компьютерной грамотности и освоению интернета.

Проект "Опыт и инновации", осуществляемый образовательным учреждением ATLASKO-EDU при поддержке DVV international (Германия), ориентирован на людей старше 50 лет, которые готовы усилить свой потенциал и повысить конкурентоспособность на рынке труда посредством практического образования в сфере компьютерных технологий и масс-медиа.

Специалисты отмечают, что отсутствие навыков в области компьютерных технологий ограничивает не только экономические возможности пожилых людей, но и их социальные связи, ведет к изоляции, снижает активность общественной деятельности. С уходом на пенсию люди испытывают дефицит информации, общения, самореализации. По данным ВОЗ прекращение социальной активности в зрелом возрасте приводит к ухудшению физического и психического состояния, тогда как систематическое обучение в течение всей жизни способствует продлению жизни

и укреплению здоровья.

Специалисты ATLASKO-EDU предлагают решение проблемы социализации людей предпенсионного и пенсионного возраста путем обучения их компьютерным навыкам и медиаграмотности. В рамках проекта в течении трех месяцев будет обучено 40 человек в возрасте старше 50 лет, проживающих в Ташкенте.

Предполагается три сферы вовлечения целевой аудитории:

- курсы компьютерной грамотности;
- медиаобразование;
- организация социального клуба.

На данный момент на курсах компьютерной грамотности участники получают навыки использования элементарных компьютерных программ. Следующий этап, который начнется с ноября, предполагает повышение медиаграмотности участников и приобретение навыков работы с интернетом, поисковыми системами и электронной почтой.

Кроме того, в программе обучения предусмотрено освоение новых программ для самостоятельного общения с друзьями и родственниками, проживающими далеко, создание творческих работ с использованием медиатеchnologies, приобретение навыков создания сайтов и блогов по интересующей их тематике, где они смогут делиться своим накопленным опытом и знаниями.

Организация социального клуба — это возможность объединить участников по взаимным интересам и дать им возможность найти новые интересы, хобби, увлечения и раскрыть свой потенциал путем неформальных встреч и

для людей старше 50 лет



культурных мероприятий. На сегодняшний день участники уже дважды собирались с кругом социального клуба "Гармония", название которому придумали сами. Первая встреча была посвящена знакомству, вторая — выездная, была организована в Ботаническом саду. По словам члена клуба, такие мероприятия — своего рода возможность совмещать приятное с полезным.

Опыт проведения компьютерных курсов для пенсионеров в мировой практике позволяет сделать вывод, что цифровые технологии подвластны всем возрастам. Люди, переставшие бояться компьютера, начинают чувствовать себя полноценными членами современного информационного общества.

Руководствуясь этим, специалисты проекта "Опыт и инновации" считают, что мероприятия, осуществляемые в рамках проекта, позволят участникам не только получить необходимые им знания в сфере компьютерных и информационных технологий, но и позволят заняться интересным делом, найти возможности для дополнительного заработка, передать свой опыт молодым. Основной миссией организации в ходе осуществления проекта является продвижение идеи "Образование для всех".

Нозима МУРАТОВА,
координатор информационной
деятельности проекта
"Опыт и инновации"

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

SAMSUNG ОТКРЫЛ МОБИЛЬНЫЙ ЦЕНТР В САМАРКАНДЕ

В Самарканде состоялось открытие Мобильного центра Samsung Electronics.

Основная цель создания центра отражает один из основных принципов деятельности компании — быть как можно ближе к конечным потребителям. Подготовка к его открытию проводилась тщательно, и очередным местом дислокации был выбран центр древней жемчужины Востока, говорится в пресс-релизе компании.

В Мобильном центре представлены последние



модели мобильных телефонов, смартфонов и планшетов южнокорейской компании, в числе которых Samsung Galaxy S III, Galaxy S Advance, Galaxy Tab 2 и Galaxy Note 10.1.

На сегодняшний день Samsung Electronics при-

знана одной из самых быстрорастущих глобальных марок. В последние годы в Узбекистане также наблюдается повсеместное внедрение и использование современных средств связи производства Samsung. В связи с этим особое внимание компания уделяет организации авторизованных сервисных центров.

В Самаркандском Мобильном центре действует авторизованный сервисный центр Samsung, который оборудован по последнему слову техники.

ЯНДЕКС ПРЕДСТАВИЛ СВОЙ БРАУЗЕР

Генеральный директор российской компании Яндекс Аркадий Волож 1 октября на ежегодной технологической конференции Yet another Conference (YaC) объявил о выпуске первой версии браузера Yandex.

Новый браузер — не просто программа для просмотра веб-страниц. Браузер делает работу в интернете более удобной и безопасной, используя облачные сервисы и технологии Яндекса.

При разработке браузера использовались лучшие технологии, которые есть в индустрии, утверждает Яндекс.

АТАКА ХАКЕРОВ ВЫЗВАЛА ПЕРЕБОИ В РАБОТЕ ИНТЕРНЕТА В ИРАНЕ

Хакеры атаковали иранские компании, занимающиеся развитием инфраструктуры и коммуникаций, чем вызвали перебои в работе интернета на территории Ирана, сообщает в среду агентство ILNA.

"Вчера была осуществлена массовая атака на сервера иранских компаний, занимающихся развитием инфраструктуры и коммуникаций. Это вынудило нас ограничить доступ в интернет", — приводит агентство слова секретаря Верховного совета по киберпространству Мехди Ахавана Бехбади.

"Сейчас Иран подвергается постоянным кибератакам. Вчера очередная атака с использованием нескольких гигабайтов трафика была направлена против серверов, обеспечивающих доступ в интернет. Результатом атаки стало замедление работы интернета", — добавил иранский чиновник.

MICROSOFT ГОТОВИТЬСЯ ВЫПУСКАТЬ СОБСТВЕННЫЙ СМАРТФОН НА WINDOWS PHONE

Стало известно, что крупнейший поставщик программного обеспечения в мире Microsoft собирается выпустить собственный смартфон на платформе Windows Phone.

Несмотря на все суждения и пересуды смартфоны и планшеты на базе операционной системы Windows Phone пользуются не абы какой популярностью. Возможно именно этот факт вынудил Microsoft принять решение о выпуске собственного смартфона. Так или иначе по данным тайваньской газеты China Times смартфон от Microsoft планируют выпустить уже в первой половине 2013 года. Также стало известно, что новый смартфон Microsoft предположительно станет частью линейки Surface, в которую включают уже два планшета на Windows 8. Напомним, что планшеты на Windows 8 были впервые представлены в июне 2012 года.

Хабарлар + TV

ОТ АВБОБОТОИ

5.35 Кругулар дастури.
6.00 "Асалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Онам ва одам" дастури: "Куянин изиди айлалари"
7.15 "Ислам"
7.20 "Кўнгли қўнгли истайди".
7.30 "91 аювлари" Т/с.
8.00 Тақдирнома
8.40 - 9.40 "Манининг" дастури.
9.40 "Модди қўлар"
9.50 "78 студияси: Эпизод мустақамати 98-дан".
10.10 "Тел-Тел" "Қор одам воқеаси".
10.45 "Саломатлик сарлари".
11.00 "Абдуғор".
11.10 "Ватанларим".
11.55 "Ислам".
12.00 "Асалом, Ўзбекистон!"
12.50 "Кўнгли қўнгли истайди".
13.00 "Кўз жўраи" Т/с.
13.30 "Параноя" дастури.
14.00 "Абдуғор".
14.15 Миллий кинес: "Ташт қадр".
15.30 "Ифтигор".
15.35 "Онам ва одам" дастури: "Кўяни".
16.00 "Рағнати дунё".
16.40 "Икки дера орнатилди".
17.00 "Абдуғор".
17.10 "Хана: Нуралбайов сароли".
17.25 "Ислам".
17.40 "Эртаклар - мизилмака етказди".
18.00 "Кўнгли қўнгли истайди".
18.10 "ТВ - шабқор".
18.20 "Ислам".
18.20 "Ватан мизилмади".
18.40 "Доктор Хўш" Т/с.
19.20 "Абдуғор" Т/с.
19.30 "Абдуғор" Т/с.
20.05 "Отини мерос".
20.30 Миллий сериал: "Файзулов".
21.00 "Абдуғор".
21.40 "Икки ва қирин".
22.00 "Муҳаббат троица" Т/с.
22.40 "Ислам".
22.45 "Комиссар Ревел" Т/с.
23.00 "Онам ва одам" дастури: "Куянин изиди айлалари".
23.45-23.55 "Отини".
23.55 Кругулар дастури.
00.00 "Ватан мизилмади".
00.15 "Тел-Тел" "Қор одам воқеаси".
00.30 "Кўнгли қўнгли истайди".
1.00 "Абдуғор" Т/с.
1.30 - 2.35 "Манининг" дастури.
2.35 "Ислам".
2.40 "Хана: Нуралбайов сароли".
2.45 "Миллий сериал: "Файзулов".
3.15 "Саломатлик сарлари".
3.30 "Икки дера орнатилди".
3.50 - 5.15 "Отини".



6.00 "Ватан мизди".
6.10 "Параноя".
6.30 "Ўзбекистон қисси".
7.00 "Изу-йўналиш".
7.30 "Мушаккалларим".
8.00 "Ешакки навоилари".
8.20 Миллий сериал: "Чоррадаги уй".
8.50 "Ўзг'эх".
9.00 "Муҳаббатли дунё".
10.00 "Қамолот-инфо".
10.10 "Қоламоқ". Т/с.
11.00 "Автопатруль".
11.20 "Ибрат мактаби".
11.40 "Ўтурсақ тўғилди".
12.10 "Доволик" Т/с.
13.00 "Длар".
13.10 "Жаҳонир пазиланича". Б/ф.
14.40 "Ешакки навоилари".
15.00 "Отини, фан".
15.30 Миллий сериал: "Жобилжобон".
16.00 "Длар".
16.10 "Арқони ва қиринди".
17.00 "Халқовилмади қонлар бер". Б/ф.
18.10 "Длар мизули".
18.30 "Ешакки навоилари".
18.50 "Ўзг'эх".
19.00 "Длар".
19.30 "Ноник ақалдири". Т/с.
20.20 "Катта ўйин".
21.00 "Эртакли болжолари".
21.10 "Длар".
22.00 "Қоламоқ".
23.20 "Арқони ва қиринди".
04.00 "Ватан мизди".
04.10 "Ешакки навоилари".
04.30 "Длар".
1.00 "Доктор Қўниш" Т/с.


ДУШАНБА — 8 ОКТАБР

2.30 "Икки пазиланича".
3.00 Миллий сериал: "Чоррадаги уй".
3.30 "Жонин муқадди".
4.00 "Жаҳонир пазиланича". Б/ф.
5.30-6.00 "Без қонимди".
СПОРТИВ
6.00 Кругулар тартиби.
6.05 "Ўзбекистон олимпия" Б/ф.
7.30 "Салом, Тошкент".
8.30 Тошкент пароллари.
8.45 "Сизга шайлар".
9.05 "Ўзбекистон".
9.10 "Интервю".
9.20 "Интеллектуал аўдион".
9.30 "Тошкент".
9.45 "Сўрашувлар ороли".
10.10 "Қанер оркестрининг концерти".
10.25 "Тр-новоклар".
10.30 "Тошкент" Т/с тилди/
10.40 "Митинглар олдиси".
11.00 "Қалдар қўнгли". Б/ф.
11.05 "Қалдар қўнгли".
13.00 "Салом, Тошкент".
14.00 "Длар" телекулиди.
15.00 "Тошкент".
15.15 "Муҳаббат ва олдирси". Т/с. 51-қисм.
15.35 "Манининг" файзулови".
15.50 "Эво-бойтақ".
16.00 "Ўгани нуқадди".
16.30 Тошкент пароллари.
16.45 Мушаккаллар: "Фанглар ва Лолана". 14-қисм.
17.00 "Ўзг'эх".
17.15 "Бизнинг" бойтақ".
17.20 "Қасбим-файли".
17.40 "Тошкент нўзларим".
18.00 "Тошкент".
18.25 "Интеллектуал аўдион".
18.35 "Миллий сериал: "Дли пазиланича". 7-қисм.
19.05 "Ўзг'эх".
19.25 Тошкент пароллари.
19.40 "Теле-маркет".
20.00 "Тошкент".
20.25 "Хайриги тун, болжон".
20.35 Тошкент оқидилари".
21.00 Тошкент пароллари.
21.20 "Обод шаҳри".
21.30 "Теле-маркет".
21.40 "Жонин муқадди". Т/с 141-қисм.
22.30 "Тошкент" Т/с тилди/
22.50 "Жонин ақалдири" Т/с тилди/
23.05 "Эво-бойтақ" Т/с тилди/
23.15 "Қисм SMS" Т/с тилди/
23.20 "Ўзг'эх". Б/ф. Т/с тилди/
00.30 Кругулар тартиби.
00.55 "Меркурий хайр остида". Б/ф. Т/с тилди.
2.45 "Ўзг'эх қиринди". Т/с тилди/
3.15 "Қалдар қўнгли". Б/ф.
5.00-6.00 "Салом, Тошкент".

СПОРТ

6.00 "Хайриги тини".
6.05 Анонс.
6.10 "Қалдар қўнгли".
6.30 "Жонин муқадди".
7.00 АНОНС.
7.05 "Бетқорол қалдири" Хўжажиги филм.
7.20 Боллар майдончаси:
Тоштин гимнастика.
"Спортланди".
Мушаккалларим.
7.55 АНОНС.
8.00 ХАВАРЛАР.
8.30 "Саломат бўлиш".
8.50 АНОНС.
8.55 Автоматолор.
9.20 АНОНС.
9.55 Теннис. Тошкент челленжер турнири.
Туркман-турти оқи қирғилди.
11.45 Парасул, партақлар, реингалр.
13.00 ХАВАРЛАР.
13.10 Боллар майдончаси:
"Спортланди".
Мушаккалларим.
13.35 "Бетқорол қалдири" Хўжажиги филм.
13.55 Футбол. Исламни чемпионати.
"Барқозилари" "Рез".
15.35 Кўз жўраи. Ўзбекистон чемпионати.
16.15 Футбол. Италия чемпионати. "Милан" - "Интер".
17.35 АНОНС.
18.00 Боллар майдончаси:
"Спортланди".
Мушаккалларим.
18.25 АНОНС.
18.30 ХАВАРЛАР.
18.50 Саломатлик хабариси.

18.55 "Барқамол ақалдири".
19.15 АНОНС.
19.20 Шотланд қарғи. Жаҳон куботи.
20.30 "Саломатлик сарлари".
20.40 "Футбол шарди".
21.25 АНОНС.
21.30 ХАВАРЛАР.
21.50 Саломатлик хабариси.
21.55 Футбол. Олий дати. "Локомотив" - "Бунёдкор".
23.35 Сешабди дастури анониси.
23.45 Теннис. Тошкент челленжер турнири.
1.00 Абдуғор.
1.20 АНОНС.
1.25 "Интерфутбол".
3.05 АНОНС.
3.10 Автоматолор.
4.05 АНОНС.
4.10 - 90 Футбол. Англия чемпионати.
"Норвич" - "Манчестер юнайтди".



07.00 "TVM" навоилари
08.00 "Prime time"
08.10 "Сериал "Хиндиштон аўдиари"
09.10 "TVM" навоилари
09.40 "Сериал "Без қонимди"
10.30 "TVM" навоилари
11.30 "Прогнозирчи тоғиш-2" худайфилм
13.30 "TVM" навоилари
14.10 "Сериал "Хиндиштон аўдиари"
15.10 "Prime time"
15.20 "TVM" навоилари
17.30 "Live STYLE"
18.00 "Prime time"
18.10 "Премьера"
18.40 "Сериал "Хиндиштон аўдиари"
19.40 "TVM" навоилари
20.00 "Тон-IT"
20.30 "Live STYLE"
21.10 "Сериал "Без қонимди"
22.00 "ПЕНЬ, КОГДА ЗЕМЛЯ ОСТАНО-ВИЛАСЬ" худайфилм
00.00 "TVM" навоилари
02.00 Фильмлар, қоторле давоими ўзинди:
"Пелен де Мокс" № 83 персони "TVM"
04.00-05.00 "TVM" навоилари

1 БИРИНЧИ

04.00, 08.05 Телеканал "Добро утро"
08.08, 11.00, 14.00, 02.00 Навоиси
08.40 Контролларин давула
09.05 "Жити зароати".
10.00 Модийи прогнор
"Времени обещали".
12.00 Сериал "На край света".
13.00 Дринге новост
13.15, 01.20 "Дешеве и сергати"
14.30 "Силди".
15.15 Сериал "Улицы работают фонери"
Весерние новости
17.00 Понят. Простити
18.05 "Давий покенониси"
19.00 "Турст говорни"
20.00 "Времени"
20.30, 02.05 Сериал "Однолюбоби"
22.20 "Вечерний Ургант"
22.50 Нонине новост
23.05 Сериал "Без свидетелери"
23.35 Халқ филми "Русский сувенир"

РОССИЯ 1

04.00 Утро России
06.15 "100 мизилмади". Ток-шоу
08.45 "О самом главном". Ток-шоу
09.30 Сериал "Кулагин и партнери"
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести
- 17.20 "Чрезвычайное происшествие. Обзор а недела"
- 18.00 "Сегодня. Итоговая программа" с Кириллом Подколзиным.
- 19.00 "Историческое признание 16+."
- 19.50 "Центральное телевидение. Информационно-развлекательный воскресный канал" 16+.
- 22.20 Денис Рожков в боинке "Поцелуй в голову" 16+.
- 00.30 "Остроумный сериал "Погоня за тенью" 16+."
- 02.20 Сериал "Без слез" США 16+.
- 04.00 - 04.55 Сериал "Час Волкова" 16+.

РОССИЯ 2

- 05.00 Профессиональный бокс.
- 07.00 Вести-Спорт
- 07.15 "Моя рыбалка"
- 07.45 "Язь против еда"
- 08.15 "Рейтинг Баженова."
- 08.45 Вести-Спорт
- 09.00 "Страна спортивная"
- 09.30 АвтоВести
- 09.45 ФОРМУЛА-1.
- 12.15 "Академия GT"
- 12.45 "Большой тест-драйв"
- 12.45 Х/ф. "Терминатор" (16+)
- 15.55 Футбол. "Спартак" (Москва) - ЦСКА.
- 17.55 Футбол. "Урал" (Екатеринбург) - "Нефтехими" (Нижнекамск).
- 19.55 Профессиональный бокс.
- 21.00 "Супергерои"
- 22.35 "Карточный футбол"
- 23.00 Вести-Спорт
- 23.15 Филм "Природный гошик"
- 01.10 "Моя планета"

TB3

- 06.00 Мультифильм СМФ 0+
- 09.15 Филм "Тайна мушкетера". Франция, 2008. 0+
- 11.15 Программа "Звезда и мистика с Конгелитином Кроковым" 12+
- 12.00 Филм "Герой супермаркета". США, 2009. 12+
- 14.00 Филм "Час пик 2". США, 2001. 12+
- 16.00 Программа "X-Версии. Другие новости" 12+
- 17.00 Программа "Параллельный мир" 12+
- 18.00 Программа "Любовь по звездам" 12+
- 19.00 Филм "Вне досягаемости". США, 2004. 16+
- 20.45 Филм "Руслан". США, 2010. 16+
- 22.45 Филм "Последнее дело Ламарка". США, 2002. 16+
- 01.00 Филм "Поцелуй навзлет". США, 2005. 16+
- 03.00 Филм "Хищники сети". Россия, 2010. 12+
- 04.45 Мультифильм СМФ 0+



Душанба

06:00 "Файли тонг" дастури
08:30 "Style.UZ 2012" кундалиги
08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Ману сени" т/с (133-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блоки
10:10 "Чуки в сени" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоки
12:10 "Style.UZ 2012" кундалиги
12:30 "Тошона" кўрсатуви
13:00 "Олимай хабарлар"
13:05 "Муҳаббат хатиралари" б/ф
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блоки
15:10 "Style.UZ 2012" кундалиги
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоки
16:10 "Клон" т/с (133-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Style.UZ 2012" кундалиги
18:00 "Янги алоқа" студияси намойиш этади
18:10 Мультифильм
18:30 "Жийда гули" т/с (01-қисм)
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блоки
19:40 "Клон" т/с (134-қисм)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Чой устиди" кўрсатуви
21:30 "Ишлаган ишқ 2" б/ф премьераси
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 "Style.UZ 2012" кундалиги
00:30 Тунги кинозал: "Секлолаз" б/ф
02:00 Тунгигоз хайри бўлади!

Сешанба

08:30 "Style.UZ 2012" кундалиги
08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Жийда гули" т/с (01-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блоки
10:10 "Ишлаган ишқлар" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоки
12:10 "Style.UZ 2012" кундалиги
12:30 "Ёнгириди кулчиради" кўрсатуви
13:00 "Олимай хабарлар"
13:05 "Ларри Краун" б/ф
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блоки
15:10 "Style.UZ 2012" кундалиги
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоки
16:10 "Клон" т/с (134-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Style.UZ 2012" кундалиги
18:00 "Янги алоқа" студияси намойиш этади
18:10 Мультифильм

18:30 "Жийда гули" т/с (02-қисм)
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блоки
19:40 "Клон" т/с (135-қисм)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "25-қадр" кўрсатуви
21:30 "Итирма бир" б/ф
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 "Style.UZ 2012" кундалиги
00:30 Тунги кинозал: "Последний из Мопанк" б/ф
02:00 Тунгигоз хайри бўлади!

Чоршанба

06:30 "Файли тонг" дастури
08:30 "Style.UZ 2012" кундалиги
08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Жийда гули" т/с (02-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блоки
10:10 "Муҳаббатнома" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоки
12:10 "Style.UZ 2012" кундалиги
12:20 "Супер келинчақ" теле-шоу
13:00 "Олимай хабарлар"
13:05 "Мурасиди" б/ф
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блоки
15:10 "Style.UZ 2012" кундалиги
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоки
16:05 "Клон" т/с (135-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Style.UZ 2012" кундалиги
18:00 "Янги алоқа" студияси намойиш этади
18:10 Мультифильм
18:30 "Жийда гули" т/с (03-қисм)
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блоки
19:40 "Клон" т/с (136-қисм)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Тошона" кўрсатуви
21:30 "Ўсики" б/ф премьераси
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 "Style.UZ 2012" кундалиги
00:30 Тунги кинозал: "Неузавимый" б/ф
02:00 Тунгигоз хайри бўлади!

Пайшанба

06:30 "Файли тонг" дастури
08:30 "Style.UZ 2012" кундалиги
08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Жийда гули" т/с (03-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блоки
10:10 "Буюртма муҳаббат" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоки

12:10 "Style.UZ 2012" кундалиги
12:30 "Чой устиди" кўрсатуви
13:00 "Олимай хабарлар"
13:05 "Жасур молди" б/ф
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блоки
15:10 "Style.UZ 2012" кундалиги
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоки
16:05 "Клон" т/с (136-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Style.UZ 2012" кундалиги
18:00 "Янги алоқа" студияси намойиш этади
18:10 Мультифильм
18:30 "Жийда гули" т/с (04-қисм)
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блоки
19:40 "Клон" т/с (137-қисм)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Ёнгириди кулчиради" кўрсатуви
21:30 "Фариблар" б/ф
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 "Style.UZ 2012" кундалиги
00:30 Тунги кинозал: "Джумшидж" б/ф
02:00 Тунгигоз хайри бўлади!

Жума

06:00 "Файли тонг" дастури
08:30 "Style.UZ 2012" кундалиги
08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Жийда гули" т/с (04-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блоки
10:10 "Динозавр қадирган из" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоки
12:10 "Style.UZ 2012" кундалиги
12:30 "25-қадр" кўрсатуви
13:00 "Олимай хабарлар"
13:05 "Фаришангини кўларин" б/ф
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блоки
15:10 "Style.UZ 2012" кундалиги
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоки
16:05 "Клон" т/с (137-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Style.UZ 2012" кундалиги
18:00 "Янги алоқа" студияси намойиш этади
18:10 Мультифильм
18:30 "Жийда гули" т/с (05-қисм)
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блоки
19:40 "Клон" т/с (138-қисм)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Копкон" кўрсатуви
21:30 "Цунами" б/ф премьераси

23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 "Style.UZ 2012" кундалиги
00:30 Тунги кинозал: "Беглет" б/ф
02:00 Тунгигоз хайри бўлади!

Шанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури
06:30 "Тошона" кўрсатуви
07:00 "Муслик вақти" дастури
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
08:00 "Муслик вақти" дастури
08:30 Болалар соати
09:30 "Comedy.UZ" теле-шоу
10:00 "Девона" б/ф
11:30 "25 қадр" кўрсатуви
12:00 "Дийдор ширин" мусиқий-дам олин дастури
13:30 "Ўсики" б/ф
16:00 "Муслик вақти" дастури
16:20 "Копкон" кўрсатуви
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу викторинаси
18:00 "Ишлаган ишқ 2" б/ф
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Дилкаш лаҳзалар" теле-шоу
21:00 "Тан" кўнгилозор кўрсатуви
22:00 "Телик 2" б/ф (Ҳиндистон)
01:15 "Муслик вақти" дастури
01:30 Тунги кинозал: "Сладкий ноябрь" б/ф
02:00 Тунгигоз хайри бўлади!

Якшанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури
06:30 "Чой устиди" кўрсатуви
07:00 "Муслик вақти" дастури
07:30 "Информацион блок"
08:00 "Буни ҳайр дедлар"
08:30 "Ёнгириди кулчиради" кўрсатуви
09:00 "Кезайлик кўрайлик" кўрсатуви
09:30 Болалар вақти
10:00 "Гарри Поттер-15" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "Файли дастуридон" дастури
12:10 "Тан" кўнгилозор кўрсатуви
13:00 "Супер келинчақ" теле-шоуи
13:40 "Дилкаш лаҳзалар" телешоуи
15:00 "Цунами" б/ф
16:30 "Парламент соати" ахборот-таҳлилий дастури
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу викторинаси
18:00 "Word on the street" кўрсатуви
18:20 "Бизнес-промо"
18:30 Равшан Комилмовнинг концерт дастури
19:30 "Янши ойма" кўрсатуви
19:50 "Супер келинчақ" теле-шоу
20:30 "Дийдор ширин" мусиқий-дам олин дастури
21:30 "Comedy.UZ" теле-шоу
22:00 "Бошиқ чавандо" б/ф
00:15 "Муслик вақти" дастури
00:30 Тунги кинозал: "Вони" б/ф
02:00 Тунгигоз хайри бўлади!

InfoCom 2012 АКТ ҳафталиги

АКТ
ҳафталиги доирасида Ўзбекистонда интернет-провайдингни ривожлантириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.



Муҳокамада

интернет-провайдингни ривожлантириш масалалари

Тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси, мамлакатимиздаги интернет-провайдерлар мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишти. Давра суҳбатида аҳолига интернет тармоғига уланишга

доир ва бутунжаҳон тармоғи билан боғлиқ бошқа хизматларни кўрсатиш, шунингдек, ЎзНЕТни янада ривожлантириш масалалари батафсил муҳокама этилди. "Ўзбектелеком" АК провайдерлар учун халқаро канал хизматлари нархларини бир неча бор пасайтирилганлиги таъкидланди.

Маълум қилинишича, сўнгги икки йил давомида провайдерлар учун тарифлар уч баробардан ортқ арзонлашди. Шундай бўлса-да, ҳамон айрим муаммолар мавжуд. Иштирокчилар томонидан бир қатор йўналишларни такомиллаштириш бўйича тавсия ва таклифлар билдирилди.

Меҳрибонлик уйига рақамли спорт 3D кинозали

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Тадбир иштирокчилари залда мураккаб машқларни бажарувчи турли қурilmалар ёки бошқа спорт анжомларига эга бўлмайд туриб ҳам кўп турдаги спорт (югуриш, сакраш, стол тенниси, бокс, бадминтон, боулинг, дартс ва бошқалар) ўйинларини ўйнаш имкони борлигини таъкидлашди. Меҳрибонлик уйи мураббий иштирокида болалар оддий спорт машғулотида чоғида жисмонан яхши ривожланиш мумкинлигини ушбу қурilmалар воситасида намойиш этиб беришти. Болалар мураббий олиб боровчи машқлар билан гуруҳ-гуруҳ бўлиб шуғулланишлари, шундан сўнг эса Kinect ўйин приставкаси кўмағида шахсий топириқлар мусобақасига ўтишлари мумкин. Бу ёшларда ҳаракатчанлик ва эгилувчанликни ривожлантириш орқали соғлиқларини мустаҳкамлаб боришларини таъминлайди.



Мазкур ускунадан кичик кинотеатр сифатида фойдаланса ҳам бўлади. Бу эса машғулотлардан сўнг мароқли хордиқ чиқариш имконини беради. Умуман олганда, спорт кинозали ранг-баранг вазифаларни бажара олади.

— Эндиликда болалар юқори сифатдаги филмларни томоша қилишлари ва замонавий приставка кўмағида ўйин ўйнашлари мумкин. Зал нафақат техника билан жиҳозланган, балки болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун қулайлик ҳам яратилган. Мазкур акция Ucell компанияси аънанавий хайрия фаолиятининг мантиқий давомидир, — деди компаниянинг корпоратив алоқалар бўлими раҳбари Даврон Азизов.



World Cyber Games Uzbekistan Final 2012

28 сентябр куни "ICTExpo-2012" миллий кўрғазмаси доирасида компьютер ўйинлари бўйича World Cyber Games Uzbekistan Final 2012 финали бўлиб ўтди.

Финалда DotA Allstars ўйини бўйича саралашдан ўтган икки жамоа ўзаро баҳс олиб борди. 23 сентябрда бўлиб ўтган 12 жамоа иштирокидаги саралаш ўйинларидан муваффақиятли ўтган "QAQ" ва "Storm" жамоалари "ICTExpo-2012" кўрғазмаси бош сахнасида беллашдилар.

Баҳсни 2:1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган "QAQ" жамоаси (таркиби: Евгений Ли, Рустам Ҳақимов, Отабек Азимов, Гуфрон Нурмухамедов ва Ахтам Солихов) Хитойда бўлиб ўтадиган WCG 2012 жаҳон чемпионати финалида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

"ICT-students" компьютер спорти универсиадаси

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида анъанавий "ICT-students" компьютер спорти универсиадаси бўлиб ўтди.

Ҳар йилги ўтказиб келинаётган ушбу универсиадада Тошкент ахборот технологиялари университети, Юнусобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи, Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи, Мирзо Улуғбек ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ҳамда Ҳамза компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежидан бешта жамоа катнашди.

Жорий йилда турнирнинг шахсий компьютерни йиғиш ва интернетга чиқиш учун компютерга уланган локал ҳисоблаш тармоғини монтаж қилиш босқичига яна бир йўналиш — келас йилги ICTExpo кўрғазмаси учун веб-сайт намунасини яратиш қўшилди.

Мусобақанинг барча босқичларида ҳакамлар берилган топириқларнинг иштирокчи-

лар томонидан сифатли, тўғри, тартибли ва тезкор бажарилишига эътибор қаратди.

Танлов босқичлари орасида мусобақанинг биринчи қисми қизиқарли бўлди. Ҳар бир жамоадан икки вакил компютерни тез йиғиш қобилиятини намойиш қилди. Бунда битта ўқув юрти аъзолари кўрсатган умумий вақт ҳисобга олинди.

Мусобақанинг барча босқичлари якунлари бўйича Мирзо Улуғбек ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи терма жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи жамоасига насиб этди.

Ғолиб ва совридорлар тадбир ҳомийси — Ucell компанияси томонидан видеопроектор, ноутбук, компютер ҳамда бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

ICTExpo-2012 кўрғазмаси танлови ғолиблари

ICTExpo-2012 ахборот технологиялари миллий кўрғазмаси доирасида танлов ўтказилиб, кўрғазма якунида унинг ғолиб ва совридорлари тақдирланишти.

Бу йилги кўрғазмада Тошкент шаҳрида қарийб 150та компания ўз стендлари билан иштирок этишти. Кўрғазмага уч кун давомида 32 минг киши таширф буюрди. Навоий ва Термиз шаҳарларида ташкил этилган кўрғазмаларда эса 10 мингта яқин киши ахборот технологиялари маҳсулотлари ва хизматлари намойиши гувоҳи бўлишти.

Кўрғазма якунига қўра қуйидаги номинацияларда ғолиблар тақдирланишти:

"Стенднинг энг яхши дизайни" — East Telecom компанияси

"Энг инновацион стенд" — HUAWEI TECHNOLOGIES Co., LTD компанияси

"Энг яхши техник таъминланган стенд" — "Ўзбектелеком" АК



"Стендда энг яхши ахборот таъминоти" — iskratel компанияси

"Энг гавжум стенд" — Ucell компанияси

"Ёшлар танлови" — LG ELECTRONICS компанияси

"Таширф буюрувчилар эътиборини жалб қилган стенд" —

UZINFOCOM маркази

"Стенд ходимларининг энг яхши иши учун" — TELESET ALFA компанияси

"Энг яхши реклама ташвиқоти учун" — "Билайн" компанияси.

Бундан ташқари, АКТ ҳафталиги бош ҳомийси — "Билайн", Ҳафталик тадбирлари ҳомийси — Ucell, ахборот ҳамкори — ЭОАВМА ва техник ҳомий "Ўзбектелеком" АКга фахрий дипломлар топирирди.

Дипломларни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиғи Бош директори ўринбосари Ш.Атамухамедов топирирди.

"Айтилганлар кетади, ёзилганлар қолади"

Маънавий бойликларни сақлашда Америка тажрибаси

(Давоми. Бошланғичи 38-сонда.)

Бу бўлимларда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

Муқовани реставрация ва реконструкция қилиш, ҳужжатларни муқовалаш. Теридан, матодан, картондан қилинган муқовалар реставрация қилинади, таъмирталаб китобни муқовасидан ажратиш, кир жойларини махсус кукун билан тозалаш, сарғайган жойларини оқартириш, варақларини ювиш, қуриштириш, тозалаш ва тикиш ҳамда муқова ёпиштириш ишлари бажариллади. Реставрация жараёнида мумкин қадар асл нусханинг қўриниши ва элементларини сақлаб қолишга ҳаракат қилинади. Жуда яроқсиз холга келган ёки муқовасиз китобларга, керак бўлса янги муқова тайёрланади. Қутилар ва китоб муқовалари устига ёпиштириш учун оддий қалин кислотасиз оқ қоғозлар акрил бўёқлари ёрдамида бўялади ва чиройли декоратив қутиларни тайёрлаш, муқоваларни устига ёпиштириш учун ишлатилади. Таъмирланган ҳужжатлар кислотасиз картонлардан тайёрланган қутиларга солинади ва унинг устига китоб ҳақидаги маълумотлар ёпиштирилади.

Ҳужжатларни тозалаш ва ювиш. Таъмирланиши зарур бўлган китоб муқовасидаги олдинги елимни эритиш учун биринчи бўлиб метилцеллюлоза суюқлиги суртилади. Бир оз вақтдан сўнг китоб муқоваси ошонликча ажралади. Сўнгра китобнинг ҳар бир варағи япон қоғозининг орасига олиниб тоза илиқ сув қуйилган махсус ваннага солиб ювилади. Ундан сўнг махсус қурилмага қўйиб қуриштирилади. Қуриган варақларга ҳарфлари ўчмаслиги учун желатин суюқлиги суртилади. Сўнгра йиртилган жойлари япон қоғози ва клейстер билан ёпиштирилади. Барча таъмирлаш ишлари тугагандан сўнг китоб варақлари тартиб билан жойлаштирилиб тикилади.

Ламинация қилиш йўли билан ҳужжатларни мустаҳкамлаш. Фойдаланувчилар томонидан кўп ушланган, алоҳида варақли ахборот ҳужжатлари ламинация қилинади. Бунда ламинация ва реставрация қилинганда полиэтилен пленкалар ва термопластик компонентлардан фойдаланилади. Ҳужжатнинг турига, шикастланиш даражасига қараб ламинатнинг ҳар хил турлари ишлатилади.

Ҳужжатларни капсулалаш. Ҳужжатларни капсулалаш бу варақли ҳужжатларни полимер пленкалардан тайёрланган конвертларга жойлаб бериктишдан иборат. Бунинг учун олдин ҳужжат кирлардан тозаланади, дистилланган сувда ювилади, қуриштирилади ва тексиланади, йиртилган жойлари япон қоғозлари билан реставрация қилинади. Ҳужжатларни капсулалаш учун MYLARD ёки MELINEX турдаги полиэфирли (лафсан) пленкадан фойдаланилади. Полиэфир пленкаларига капсулалаш ҳужжатларни жисмоний эскиришдан, механик шикастланишдан, чангдан ва атроф-муҳитдаги бошқа турли таъсирли омиллардан ҳимоя қилиди. Капсулалашда олдин ҳужжат полиэстер пленка листлари орасига жойлаштирилади ва HDS KEEPER маркали махсус қурилмада ултратовуш ёрдамида ёпиштирилиб, ортиқча жойлари кесилади.

Қутилар тайёрлаш. Реставрация қилинган ҳужжатларни консервациялаш учун кислотасиз картонлардан контейнерлар ва қутилар тайёрланади. Бунда аввал ҳужжатнинг ҳажмига, ўлчамларига асосан махсус дастурда ишловчи КМ 627А маркали қурилмада автоматик тарзда бир неча қават картон устига қутилар андозасининг чизмаси туширилади ва кесилади. Қутилар кесадиган қурилма нафақат автоматлаштирилган ҳолатда компютерлар ёрдамида, белгиланган ўлчамларда буйруқ билан кесди, балки кутининг букланадиган жойларига белги қўяди. Бу эса уларни тўғри шаклда ва сифатли тайёрланишига имкон яратади. Кесилган картонлардан ҳар хил ўлчамлардаги қутилар тайёрланади. Бу қутиларда ноёб адабиётлар, газета ва бошқа ҳужжатлар сақланади. Айрим кутубхоналарда қутилар пластикдан тайёрланади. Бундай қутилар катта ҳажмдаги китоблар, асбоблар, плакатлар учун ишлатилади. Қутиларнинг ҳар бир томони елимли магнит тасмалари, кнопкалар билан маҳкамланади.

Фондларни рақамлаштириш. АҚШ кутубхоналарида жамғармаларнинг суғурта вариантлари яратилган, яъни жамғарма электрон шаклга айлантирилиб, рақамлаштирилган электрон ресурслар серверларга жойлаштирилади. Бу усул фондларни консервациялаш

Фойдаланувчилар масофадан туриб онлайн тартибида уйда ўтириб, кутубхона фондидаги китобларни ўқиши мумкин.

нинг энг маъқул усули ҳисобланади. Бу кутубхоналарда нафақат босма нашрлар, балки плакат, расм, пластинка, видео тасма, гаширувчи электрон китоблар барчаси рақамлаштирилган ва серверларда сақланмоқда. Рақамлаштириш бўлиmlарида икки томондан расмга олувчи Digital Transitions маркадаги катта сканерда 90 даражадан ортиқ очиқлиши мумкин бўлмаган нашрлар ва ҳужжатлар сканерланиб рақамлаштирилади. Бундан ташқари, ТП1 маркали 140 пикселда ишловчи сканерда 145 даражада очиқлиши мумкин бўлган ҳужжатлар, албомлар, расмлар сканерланиб рақамлаштирилади. Сканерланган маълумотлар Workflow System дастурий таъминотда тўпланаяди ва серверга ҳамда интернетга берилади. Фойдаланувчилар масофадан туриб онлайн тартибида уйда ўтириб, кутубхона фондидаги китобларни ўқиши мумкин.



АҚШ кутубхоналарида бўлганимда мени хайратлантирган нарсаси шу бўлдики, ташкил бўлганига унчалик кўп бўлмаган кутубхона жамғармалари жуда бой бўлиб, унда ўта ноёб ва нодир нашрлар жой олган. Бу нашрларнинг жамғармага келиш сабабларини ўрганганимизда, уларнинг катта қисмини шу ҳудудда яшаган ва яшаётган, маънавий мерослари сақланишига, авлоддан-авлодга етказилишига бефарқ бўлмаган инсонлар томонидан тақдим этилганлигини билдик. Бу нодир нашрлардан энди фақат бир оилагина эмас, балки ўша кутубхонанинг барча аъзолари, қолаверса, унинг электрон нусхаларидан аҳолининг кенг қатламлари фойдаланиши мумкин. Америка халқининг бу одати ўзбек халқининг урф-одатларига ўхшар экан.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятдаги энг катта илмий универсал китоб жамғармасига эга бўлган Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази жамоаси ва кўп сонли китобхоналар номидан марказимиз жамғармасига ўз шахсий кутубхоналарини тақдим этиб, маънавийтимизни, маданиятимизни ривожлантиришга ҳисса қўшаётган, аждодларимиздан қолган мероснинг йўқ бўлиб кетишига бефарқ бўлмаган инсонларга миннатдорлик билдирмоқчиман.

Бу лойиҳа мен учун кутубхона фондларини консервация ва реставрация қилиш бўйича янги тажрибаларга эга бўлишимда катта имконият яратди. Ҳамкасблардан ўрганган тажрибаларим, олиб келган қўлланма, буклетлар эътиборимизнинг олтин жамғарма-

сидан жой олган, бебаҳо ҳазинамиз бўлган ноёб адабиётларни ҳозирги замон талаблари даражасида сақлаш ва ахборот захираларини янада кўпайтириш, бу соҳада вилоятимиздаги ҳамкасбларимнинг касбий кўникмалари ва малакаларини оширишда ёрдам беради. Мазкур йўналишдаги ишларда янада ижобий натижаларга эришиш учун биз қуйидагиларга эътибор қаратишимиз керак:

Кутубхона фондларини сақлашнинг меъёрий шароитларини яратиш — барча кутубхоналарда ҳужжатларни сақлаш шароитларини текшириш ва экспертиза қилиш зарур. Натижаси бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, унга асосан муаммоларни ечиш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш.

Ахборот-кутубхона муассасаларини рақамлаштириш, консервация ва реставрация учун керакли жиҳозлар билан таъминлаш.

Кутубхоналардаги ҳужжатларнинг суғурта фондини яратиш. Микрофилм ва рақамлаштириш лабораторияларини ташкил қилиш, мавжуд китоблар, газеталар ва бошқа ҳужжатларни микрофилмларга айлантириш ва рақамлаштириш.

Консервация ва реставрация бўйича олий ва ўрта махсус таълим базасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш зарур.

Гулнора ИСМОИЛОВА,
Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази директори

Кейинги йилларда мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ва қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ ҳозир юртимизнинг қайси бир худудига борманг, албатта, ободончиликка, шунингдек, қурилиш ишлари жадаллик билан кетаётганига гувоҳ бўласиз.

Хусусан, Андижон вилоятида ҳам бугун бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Кўча ва майдонлар жаҳон андозаси даражасида бутунлай қайта қурилмоқда. Йўлларнинг икки тарафидаги ижтимоий объектлар, тураржойлар замонавий лойиҳалар асосида барпо қилинмоқда.

Айтиш жоизки, бугунги кунда вилоятда турли қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ҳам аввалги даврлардан ўн чандон кўп. Ҳозирда ушбу соҳа асосан, хусусий мулкдорлар тасарруфида бўлиб, ишлаб чиқариш ҳам, бинобарин, рақобат ҳам кучли. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулотлар турининг кўпайиши ва сифатининг ошишида муҳим аҳамият касб этиб, хизмат кўрсатишнинг кенг қўлланлиги ва сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, Баҳодиржон Халимов раҳбарлик қилаётган "Санотчи" МЧЖ хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган пишик ғиштларга талаб тобора ошиб бормоқда.

Баҳодиржон асл шу соҳа вакилининг фарзанди. Чунки отаси Ғулумжон ака ҳам узоқ йиллар шу соҳада меҳнат қилиб, вилоятдаги ғишт заводиди раҳбарлик қилган. Вақт ўтиши билан Баҳодиржонда ҳам ота касбига бўлган қизиқиш янада ортди. Акалари Муҳаммадсодиқ, Маммуржон, Муроджонларнинг изидан бориб, улар билан ўзаро маслаҳатлашган холда ҳозир ўзи раҳбарлик қилаётган корхонанинг фаолиятини самарали йўлга қўйишда бош-қош бўлмоқда. Бу жараёнда оила аъзоларининг узоқ йиллик иш тажрибаси, айниқса, кўп асқотмоқда.

— Корхонамиз 1997 йилда ташкил этилган бўлиб, ўтган вақт мобайнида вилоят аҳолисини пишик ғишт билан таъминлаб, аҳолига доимий хизмат

Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, II боб, 14-модда.

Ёш бўлса ҳам катта ишларга бош

кўрсатиб келмоқда, — дейди Баҳодиржон. — Юртимизда хусусий мулкни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда корхонамизда хусусий тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйил-

70 нафар киши доимий иш билан таъминланган мазкур заводда кунига 40 минг дона сифатли ғишт тайёрланиб, қурилиш объектларига, жумладан, намунавий уй-жойлар қурилишига жўнатилмоқда.

ган. Бугунги тезкор давр доимо янгиллик яратишни, шунингдек, тежамкорликни талаб қилмоқда. Биз ҳам бебаҳо ёқилги бўлган газни, шунингдек, электр энергиясини тежаш мақсадида банкдан имтиёзи кредит олиб, кўмир ёқилғиси билан ишлайдиган йирик печларни қуришни бошлаб юбордик. Мазкур лойиҳадан қутилаётган натижа жуда



катта бўлиб, яна 200та янги иш ўринларини яратиш имконини беради. Кези келганда айтиш лозимки, давлатимиз томонидан тадбиркорларга катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Хусусан, мухтарам Президентимизнинг 2009 йил 19 июндаги "Деворбоп материалларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида"ги Қарори фаолиятимизда жуда катта ўрин тутмоқда. Келгусида режаларимиз кўп. Масалан, ғишт ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмасдан, вилоятимизда замонавий қўринишда намунавий лойиҳа бўйича қурилаётган уй-жойларнинг ривожлантириш жамоамиз билан муносиб ҳисса қўшмоқчимиз. Бунинг учун бизда имкониятлар етарли.

Дарҳақиқат, Баҳодиржоннинг гапларида жон бор. Чунки айна пайтда 70 нафар киши доимий иш билан таъминланган мазкур заводда кунига 40 минг дона сифатли ғишт тайёрланиб, қурилиш объектларига, жумладан, намунавий уй-жойлар қурилишига жўнатилмоқда.

— Президентимизнинг 2010 йил 18 июнда қабул қилинган "Андижон вилоятида 2011-2015 йилларда тураржой массивлари коммунал инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, вилоятда ўнлаб савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кенг ва раvon йўللار, замонавий уй-жойлар бунёд этилди, — дейди Баҳодиржон. — Бундай эзгу ишлар изчил давом эттирилаётгани боис пишик ғиштга бўлган талаб

кун сайин ортиб бораётир. Шунга кўра, хориж технологияси асосида жиҳозланган корхонамизда келгуси йили қўшимча хумдонлар қуриб, ғишт ишлаб чиқариш ҳажминини бир неча баравар оширишни мўлжаллаяпмиз.

Баҳодиржон билан суҳбатимиз узоқ давом этди. У шу озода турта тадбиркорлик қиламан, оиламни, маҳалламни фаровон қиламан деган юртдошларимизга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун барча шароитлар яратиб берилаётгани хусусида тўлқинланиб сўзлаганда, бизнинг ҳам қалбимизда фахр ҳисси жўш урди.

— Дадамнинг айтишича, бир пайтлар кўпчилик замонавий уйларида яшашни, барча қулайликларга эга савдо мажмуларида савдо-сотик қилишни, тамадди қилишни орзу қиларкан, — дейди у. — Аллоҳга шукр, бугунги тинч ҳаётимизга кўз тегмасин. Тинчлик бор жойда юксалиш ҳам, қурилиш ҳам бўлади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида кенг қўламдаги қурилиш ишлари олиб бориляпти. Андижонда ҳам амалга оширилган бунёдкорлик ишлари тўғрисида кейинги йилларда вилоятимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бугун вилоятимизда кенг, шинам, замонавий услубда қурилган иншоотларни кўрганда ҳар бир кишининг ҳаваси келиши тайин.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист



Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Бешарик телекоммуникациялар боғламаси ходими Мўминжон НИЕЗОВНИ 60 ёши, Қувасой ва Фарғона шаҳарлар телекоммуникациялар боғламалари ходимлари Садриддин БУРҲОНОВ ҳамда Жалолиддин ТОШМАТОВларини 50 ёши билан чин дилдан табриклайди. Уларга энг эзгу тилакларини йўллайди.

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали жамоаси Муборак ТБ электромонтёри Саъдулло МАМАТҚУЛОВНИ муборак 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклаб, унга узоқ умр, сийхат-саломатлик тилайди.

Обуна давом этмоқда

Ҳурматли газетхонлар!
"Xabar"га обуна давом этмоқда.

Газетага "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ алоқа бўлимлари, "Матбуот тарқатувчи" АК матбуот дўконларида обуна бўлишингиз мумкин.



Инсоният яратилибдики, энг оғир юмушлар — юрт муҳофазасидан тортиб оила юритиш-у болалар тарбиясигача эркаклар зиммасига юклатилган. Бунга улар табиатидаги оғир-вазминлик, қаттиққўллик, жўмардлик фазилатлари асосий сабаб бўлиб хизмат қилган.

Шунинг учун ҳам оилада ўғил фарзандлар тарбиясига алоҳида аҳамият берилган. Ота-оналар ўғилларига бўлажак юрт ҳимоячиси, оила бошлиғи сифатида қараб, уларни болалигидан чиниктиришга, сабр-тоқатли, жисмонан ва руҳан бақувват, маърифатли ва илмли бўлиб вояга етишларига ҳаракат қилишган.

Агар халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, асрлар давомида эркакларга нисбатан ана шундай муносабатда бўлинганига амин бўламиз. Айниқса, бобо ва момоларимиз оилани муқаддас маскан билиб, унинг мустақамлиги, фаровонлиги, камол топаётган ўғилларнинг орли-номусли, кизларнинг эса ҳаё-иболи, маърифатга эга бўлиб вояга етишларига ҳаракат қилишган. Энг муҳими, оилани таъминлаш, болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашдек масъулиятли вазифа ҳам эркаклар зиммасида бўлган. Аёллар эса турмуш ўртоғи ҳалол меҳнат билан топиб келганини тежаб-тергаб ишлатиб, рўзғор тебратиш ва фарзандлар тарбиясида оила бошлиғи ва яқин кўмакчи бўлганлар. Шунинг учун ҳам юртимизда жаҳонга таниқли алломалар, олимлар, қўллаб мард ин-

сонлар етишиб чиққан. Демак, жўмардлик, оила, юрт иши учун масъуллик йигитларимизга бобомерос фазилат. Бугун ўзини оила бошлиғиман деган эркакларимиз, вояга етиб келаётган ўспиринларимиз ана шу ажойиб фазилатни дилларига жо қилишганми?

Яқинда бир юмуш билан йўлга отланиб, автобусга чиқдим. Ҳаёл суриб кетар эканман, менга яқин жойда тик турган отахонга қўзим тушди. Мустақиллик байрами арафасида ўтказилган бирорта тадбирга борган бўлса керак, чиройли костюмига қатор орден ва медалларини қадаб олибди. Ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да, коматини ҳарбийларга хос тик тутишга ҳаракат қилаётгани кўриниб турарди. Уни дарҳол кўрмаганимдан хижолат бўлиб, жой бўшатиш мақсадида ўрнимдан тура бошладим. Бунга сезган отахон:

— Асло хижолат бўлманг, барибир аёл кишини турғизиб, ўрнига ўтира олмайман. Ахир биз асли кучли қилди яратилган жинс вақилимиз, ҳар қандай вазиятда ҳам бунга унутмаслигимиз лозим, — деди ўзгача шижоат билан.

Захирадаги зобитнинг шахсий ибрати таъсир қилди, шекилли, уч-тўрт нафар йигитлар баравар ўрнларидан туришди. Отахон улардан бирининг жойига бориб ўтирди. "Қани эди, — деган фикр ўтди ҳаёлимдан. — Ана шундай тарбия мактабда ва уйда бирдай олиб борилса, айрим йигитларимизда бобомерос эркакча гурур уйғонган бўлармиди".

Бобомерос фазилат

Жўмардлик, оила, юрт иши учун масъуллик йигитларимизга бобомерос фазилат.

Қўшни маҳаллада икки фарзанди бор ёш оила яшайди. Рафикаси ҳеч қаерда ўқимаган бўлса-да, оила бошлиғи олий маълумотли муаллим. Мактаблардан бирида душпа-дуруст ишлаб юрган йигитнинг ишдан бўшаганини эшитдим. Яхшигина уйи, оиласи бор йигитнинг кўпроқ пул топгиси келиб қолибди, шекилли, хорижга ишлагани кетибди. Аёл икки нафар ёш боласи билан эри жўнатган пул эвазига тирикчилигини ўтказиб юрди. Кейин қаерга-дир ишга ҳам кирди.

Бир хато иккинчисини бошлаб келди, деганларидек, қўшним яқинда ўша оила ҳақида яна бир янгиллик топиб келди. Унинг гашига қараганда, ўша йигит келиб, рафикасини ҳам олиб кетибди. "Масъулиятсизлик шунчалик бўладики? — қуйнардик қўшним, — икки нафар ўсмир ёшидаги боласини ёлғиз ташлаб кетишса-я. Болалар овқат-

ларини амаллаб пишириб ейишар. Лекин уларнинг тарбияси нима бўлади? Ўсиб келаётган навихолларни қаттиққўллик ва айни вақтда меҳрибонлик, синчковлик билан тарбиялайдиган пайт бўлса. Бу ёшдагиларнинг ўзгалар таъсирига тушишлари жуда осон-ку! Болалар тақдирдан хавотирланиб ва яқин таниш бўлганлигим сабабли келиннинг онасига бориб учрашдим. У бепарволик билан "Хар-хар замонда ўзим хабар олиб турибман" деса бўладими?! Нима дейишимни билмай қолибман. Эр-хотин бирга ишлаб, борган жойларида катта пул топишлари мумкин. Лекин болалар тарбияси борасида бой берилган вақтни қайтариб ҳам, йўл қўйилган ҳато ўрнини ҳар қанча миқдордаги пул билан тўлдириб ҳам бўлмаслигини ёлғиз қолган болаларнинг ота-онаси тушунмаган тақдирда ҳам кекса ёшдаги бобо ва бувилари билишлари керак эди".

Қуйинчак қўшнимнинг гапларига мен ҳам қўшилдим. Афсуски, орамида ана шундай масъулиятсиз ва гурурсиз одамлар учраб турибди. Аслида бола тарбияси учун ҳаммамиз масъулмиз. Негаки, улар нафақат бизнинг эртанги куни-миз, балки жамиятимиз келажаги ҳамдир. Йигитларимизда жўмардлик, фидойилик туйғуларини шакллантиришда мактаб, оила ва маҳалла биргалликда ҳаракат қилса, катталар бу борада шахсий ибрат кўрсатишса, айни муддао бўлар эди.

Дилором РАҲИМОВА,
меҳнат фахрийси

Мерос тақсимооти — муҳим масала

Гарча бошқа соҳада ишласам-да, "Xabar" газетасининг ҳар бир сонини мунтазам ўқиб бораман. Унда эълон қилинаётган алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ривожланишига оид турли мақолалар, янгилликлардан хурсанд бўламан. Ҳақиқатан ҳам мустақиллик йилларида алоқа соҳаси жадал ривожланиб, дунёнинг илғор мамлакатлари қаторидан жой олди. Шуниси қувонарлики, газета ўз саҳифаларида маънавий-маърифий мавзудаги мақолаларга, газетхонларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилувчи "Сўранг, жавоб берамиз" рўқни остида берилётган савол-жавобларга ҳам кенг ўрин ажратяпти. Бунинг эса халқимизнинг маънавий, шунингдек, ҳуқуқий билими ортшида аҳамияти катта.

Газетанинг шу йил 21 сентябр сониди эълон қилинган "Меҳр-оқибат — энг улугъ неъмат" мақоласида муҳим масала — мерос тақсимооти ҳақида фикр юритилибди. Саккиз нафар фарзандни вояга етказиб, уйли-жойли қилиб, умр сўнида эса ўзидан қолаётган меросни қонуний расмийлаштиришда ҳаётдан қўз юмиш ачинарли ҳол, албатта.

Халқимизда ажойиб анъана бор. Оилада туғилган ўғил фарзандларнинг катталари ота-онаси ёш пайтида, уларнинг ёрдами билан уй-жой куриб, алоҳида яшаш учун чиқиб кетишади. Ота-онанинг кексалик даврида хизматини қилиш, гарчи катта фарзандлар имкон даражасида ёрдам бериб туришса-да, асосан кичик фарзанд зиммасига юклатилади. Ва табиий равишда ота-онанинг уй-жойи кичик ўғилга қолади. Асрлар давомида шундай бўлиб келган. Носир ота ҳам ана шу анъанага амал қилган ҳолда шу йўлни тутган бўлиши мумкин. У хатто катта фарзандлари мерос талаб қилишни ҳаёлига ҳам келтирмаган. Ва оқибатда мерос масаласидаги тортишувни ҳал этиш у кишининг рафикасига қолган.

Фарзандларини оқ ювиб-оқ тараб, гўдақлигидан катта қилган, оёкча туриб олишлари учун бор ёрдамининг аямаган, кексайиб кучдан қолган она билан тортишувни учун инсоннинг юраги тошга айланган бўлиши лозим. Бу Носир ота катта ўғилларининг виждонига ҳавола. Лекин кексалик ёшига яқинлашаётган фуқароларимиз шунга унутмасликларига керакки, эртага ўзини нима кутаётганлигини ҳеч ким билмайди. Қолаверса, ҳар бир ишда мавжуд қонуналаримизга риоя қилиш шарт бўлгани каби ўзидан қолаётган меросни ҳам ўз вақтида қонулаштириб қўйиш шарт. Бошқача қилиб айтганда, қонуни устуворлигини таъминлаган инсон ҳеч қачон оғир вазиятга тушмайди.

Азиз юртдошлар! Носир отанинг ҳатоси (агар шундай аташ жоиз бўлса) ҳар биримиз учун ибрат бўлиши лозим. Мерос масаласида барчамиз ҳушёр ва адолатли бўлайлик.

Шоҳида МУҲАММАДЖОНОВА,
Оққўрғон туман Давлат нотариал идораси нотариуси

AKS-SADO

Танти бўлинг, акалар!

"Xabar" газетасининг 2012 йил 21 сентябр сониди эълон қилинган "Меҳр оқибат — энг улугъ неъмат" мақоласини ўқиб, ўйланиб қолдим. Ҳақиқатан ҳам мақолада халқимиз шаънига доғ бўлиб тушувчи, кадрларимизга мос келмайдиган воқеа қаламга олинди.

Оилада олти ўғилмиз. Отамиз раҳматли катта акаларимга уй-жой қуришларида имкон қадар ёрдам берганлар. Лекин отамга узоқ яшаб, ҳар биримизнинг оилали бўлишимизни кўриш насиб этмади. Иккинчи жаҳон урушида олган жароҳати туфайли оламдан ўтганида уй-жой масаласида анча муаммолар бор эди. Биз эса ота орзусини амалга ошириб, аввало турли соҳа мутахассислари бўлишга ҳаракат қилдик. Катта акам педагогика олийгоҳида, қолганлари ҳам бошқа турли билим масканларида ўқиб, ўз соҳалари бўйича ишга жойлаштиришди.

Қайсики оилада иноқлик, бирдамлик бўлса, ўша жойга барака келиши рост экан. Ака-укалар бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, муаммоларни аста-секин ҳал қила бошладик. Ҳозир ҳар биримизнинг ўз ховли-жойимиз, оиламиз, фарзандларимиз, даромад келтирувчи манбаларимиз бор. Хали ҳамон бирор муаммо бўлса, ўзаро маслаҳатлашган ҳолда, биргалликда ҳал қиламиз. Онам — саккиз нафар фарзандини меҳр бериб, вояга етказган азиз волидамиз эса отамиздан қолган катта ховлида укам Абдуҳаким билан яшайди.

Инсон, у ким бўлишидан, қайси вазифада ишлашадан қатъий назар ота-онасидан умрбод қарздордир. Айниқса, онанинг фарзандида ҳақи қўп бўлишини эшитганман. Шу сабаб, тўғриси айтсам, баъзан укамга эрта-ю кеч она хизматини қилиб, дуосини олаётган бахтли инсон сифатида ҳавасим келади.

Биз, акалар онамизни бутунлай укамизга ташлаб қўйган эмасмиз. Онамизнинг нима хизматлари бўлса, югуриб борамиз. Хабар олгани борганимда, нима кераклигини сўрасам, онам "Укамга раҳмат, нима десам олиб келади. Ҳеч нарсадан камчилигим йўқ", дейдилар камсукумлик билан. Укамиздан биз ҳам миннатдор бўлган ҳолда нима муаммоси бўлса ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Мақолада таъкидланганидек, ҳақиқатан ҳам меҳр-оқибат — энг улугъ неъматлардан биридир. Бу улугъ неъмат насиб этган инсон эса бахтлиларнинг бахтлиси ҳисобланади, менимча.

Носир отанинг катта ўғилларига қарата эса шундай дейман: Азизлар, бу дунёда ҳамма нарса омонат. Бокий дунёга ҳеч ким савобдан бошқа нарса олиб кета олмаган ва олиб кетолмайди ҳам. Шундай экан, аввало, ота-онанинг хурматини жойига қўйинг. Қолаверса, тантироқ бўлинг-да, акаси-ку, ахир! Онанинг ва укамиздан ўз меҳрингизни дариг тутманг.

Абдусамд МАЛЛАХЎЖАЕВ
Пискент тумани

ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАРИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ФИНАЛИДА!

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси кетма-кет иккинчи бор жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиши билан биргаллик, Осие чемпионати финалига чиқди. Чорак финалда Жанубий Корея ўсмирлари доғда қолдирилган бўлса, ярим финалда мусобақа мезбони Эрон мағлуб этилди.



Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси мезбонларга қарши ўйинда 4-дақиқадаёқ тўп ўтказиб юборди. Шундан кейин мезбонлар кетма-кет ҳужум уюштиришни бошлашди. Уларнинг ҳаммаларини бартафат этган вакилларимиз ўзларига келиб олишти ва 13-дақиқада ҳисобни тенглаштиришди. Улуғбек Давлатов майдон марказида тўпни бир футболчининг устидан чиройли тарзда олиб ўтди ва олдинга интилаётган Хамдамовга етказди. Достонбек эса жарима майдончасига кириши билан зарба берди ва дарвозани

ишғол қилди. Ўйиннинг 36-дақиқасида Иззатилла Иброҳимов узок масофадан тўпни ерга тушириб ўтирмасдан зарба йўллаб, чиройли гол муаллифи бўлди. Биринчи бўлим тугаши арафасида жамоа сардори Отабек Шукуров пак майдон марказидан тўп билан олдинга қараб интилди ва химоячиларни алдаб ўтиб, дарвозага аниқ зарба йўллади — 3:1! Учрашувнинг 87-дақиқасида Амирмуҳаммад Мазлум ҳисобни кискартиришга эришди. Қолган дақиқалар

да гол киритилмади. **Ўсмирлар ўртасида Осие чемпионати. Ярим финал Ўзбекистон — Эрон — 3:2 (3:1)**
Голлар: Достонбек Хамдамов (13), Иззатилла Иброҳимов (36), Отабек Шукуров (43) — Сайидмажид Хуссейний (4), Амирмуҳаммад Мазлум Фазаний (87)
Финалдаги рақиб Япония бўлади. Японлар ярим финалда Ироқни 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Финал баҳси 6 октябр куни соат 20:30да бўлиб ўтади.

"БУНЁДКОР" — ОЧЛ ЯРИМ ФИНАЛИДА!

Осие Чемпионлар лигаси чорак финал жавоб учрашувида "Бунёдкор" жамоаси Австралианинг "Аделаида Юнайтед" клубини қабул қилди.

Мурасиз ва шиддатли курашларга бой бўлган ўйиннинг асосий дақиқаларида 2:2 ҳисоби қайд этилди. 4-дақиқада Ян Рамсий ҳисобни очди. 20-дақиқада Лутфулла Тўраев боши билан чиройли тарзда гол уриб ҳисобни тенглаштирди. 64-дақиқада Нейман яна "қалдирғочлар" дарвозасини ишғол этишга эришди. Тиниб-тинчимас Акмал Шорахмедов 7-дақиқада ўта муҳим голни киритиб, ҳисобни 2:2 кўринишига олиб келди.

Шундан сўнг, 15 дақиқадан иборат икки қўшимча бўлим бошланди. Биринчи бўлимда ҳисоб ўзгармай қолди.

Иккинчи бўлимда эса тенг курашлар бош-

ланди. 115-дақиқада Алибобо Раҳматуллаев гол киритиб, "Бунёдкор"нинг ғалабасини таъминлаб берди.

Осие чемпионлар лигаси. Чорак финал жавоб учрашуви

"Бунёдкор" — "Аделаида Юнайтед" — 3:2 (Асосий вақт — 2:2, қўшимча бўлимлар — 1:0)
Голлар: Лутфулла Тўраев (20), Акмал Шорахмедов (73), Алибобо Раҳматуллаев (114) — Ян Рэмси (4), Нюман (63).

Миржалол Қосимов шогирдлари ОЧЛ ярим финалида Жанубий Кореянинг "Улсан Хюндай" клуби билан баҳс олиб боради. Корея жамоаси чорак финалда Саудия Арабистонининг "Ал-Хилол" жамоасини сафарда 0:4 ҳисобида мағлуб этишди.

Биринчи учрашув Тошкентда 24 октябр куни ўтказилади.

РАҚИБЛАР — ИТАЛИЯ, ҚУВАЙТ ВА ВЕТНАМ



Ўзбекистон футбол терма жамоаси 25-27 октябр кунлари Ветнамнинг Хошимин шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро мусобақада иштирок этади. "Тан Бин" спорт залида ўтадиган турнирда вакилларимиздан ташқари Ветнам, Италия ва Қувайт терма жамоалари иштирок этишади.

Италия терма жамоаси мазкур мусобақага тайёргарликни душанба кунидан бошлаши хақида интернетда хабар берилган.

БИР ҒАЛАБА ВА БИР ДУРАНГ

Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида Халқаро шахмат федерацияси — FIDE Гран-присининг дастлабки босқичи давом этмоқда.

Унда гроссмейстеримиз Рустам Қосимжонов навбатдаги икки партияда бир ғалаба ва бир дурангга эришди. Мезбон шахматчи Майкл Адамсга қарши ўтказилган саккинчи партиядо ҳамюртимиз текаор ўйин кўрсатди. 47-юришда кучли рақибни мот қилиб, нуфузли турнирдаги илк ғалабасини нишонлади.

Рустам Қосимжонов ва нидерландиялик

Аниш Гири ўртасидаги партия тўққизинчи турнинг энг кескин ва мурасиз учрашуви сифатида эътироф этилди. Хар икки шахматчи турли усулларда ҳужум уюштиришга ҳаракат қилди. Қора доналарда ўйнаган Р.Қосимжонов рақибининг барча ҳужумларини бартафат этиб, 78-юришдан сўнг дурангга розил берди.

Очқолари сонини тўрттага етказган шахматчимиз ўзинчи турда россиялик Александр Гришчукка қарши ок доналарда ўйнайди.

ТЕРМА ЖАМОА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Шу йилнинг 6-15 октябр кунлари Россиянинг Калининград шаҳрида бўлиб ўтадиган ногирон-ампутантлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этадиган Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси 3 октябр куни мазкур жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун жўнаб кетди.

Қайд этиш керак, Ўзбекистон ампутантлар терма жамоаси сўнгги икки жаҳон чемпионатида чемпионлини қўлга киритган.

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚЎЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудири:

Телевидение ва радиоэшиттириш; Почта хизматини автоматлаштириш.

Доцент:

Ахборот-кутубхона тизимлари - 1; Информатика - 1; Телевидение ва радиоэшиттириш - 1; Менежмент ва маркетинг - 1; Фалсафа - 1.

Катта ўқитувчилар:

Телерадиоэшиттириш студиялари ва жиҳозлари - 1; Информатика - 3; Алоқа линиялари - 1; Менежмент ва маркетинг - 2; Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти - 1; Иқтисодий назарияси - 1; Телевидение ва радиоэшиттириш - 1; Маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари - 1; Фалсафа - 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

Ўзбекистон тарихи - 1; Чет тиллари - 5; Компютер графикаси ва дизайн - 1; Олий математика-2; Электр занжирлар назарияси - 1; Фалсафа - 2; Физика - 2; Иқтисод - 2; Мултимедиа технологиялари - 1; Жисмоний тарбия ва спорт - 4; Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари - 1; Информатика - 1; Маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари - 1; Радиоалоқа қурилмалари ва тизимлари - 1; Ахборот-кутубхона тизимлари - 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.

Тел: 238-64-06.

"BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган МЧЖ Аукцион комиссияси иштирокида ўтказиладиган қуйидаги савдоларига таклиф этади.

"АУКЦИОН" савдолари Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (3-қават)да бўлиб ўтади.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 мартдаги "Истеъмол товарлари билан улуғржи ва чакана савдони ташкил этилиши таъминлаштиришда долор қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 94-қарорига асосан "Бухораматдуботсавдо" акциядорлик компаниясининг қуйидаги шаҳар ва туманлардаги ташкилотлар устас фондидаги улуғржи тақририй "Аукцион" савдоларига чиқарилади. Маълум тақририй "Аукцион" савдолари 2012 йил 23 октябр куни соат 14:00 да бўлиб ўтади.
- 1-ЛОТ. "Келтирилмаётган савдо" тўлик ширкати устас фондидаги 25 фойз улуғржи. Бошланғич баҳоси 80 988 156 (Саксон миллион тўқсон юз саксон саксон миң бир юз эллик олти) сўм;
- 2-ЛОТ. "Олотматдуботсавдо" очик акциядорлик жамияти "Савдо-Харид" корпорацияси устас фондидаги 25 фойз улуғржи. Бошланғич баҳоси 23 407 462 (Илтирма уч миллион тўрт юз етти миң тўрт юз олтинчи икки) сўм;
- 3-ЛОТ. "Ромитаматдуботсавдо" тўлик ширкати устас фондидаги 25 фойз улуғржи. Бошланғич баҳоси 33 669 075 (Эллик уч миллион олти юз олтинчи тўқсон миң етти миң беш) сўм;
- 4-ЛОТ. "Пешкуматдуботсавдо" маъсулияти чекланган жамияти устас фондидаги 25 фойз улуғржи. Бошланғич баҳоси 20 885 833 (Илтирма миллион саксон юз тўқсон беш миң саксон юз тўтти уч) сўм;
- 5-ЛОТ. "Вобкентматдуботсавдо" тўлик ширкати устас фондидаги 25 фойз улуғржи. Бошланғич баҳоси 24 560 875 (Илтирма тўрт миллион беш юз олтинчи миң саксон юз етти миң беш) сўм;
- 6-ЛОТ. "Гендорматдуботсавдо" тўлик ширкати устас фондидаги 25 фойз улуғржи. Бошланғич баҳоси 253 259 059 (Икки юз эллик уч миллион икки юз эллик тўқсон миң эллик тўқсон) сўм;
- 7-ЛОТ. "Жондорматдуботсавдо" маъсулияти чекланган жамияти устас фондидаги 25 фойз улуғржи. Бошланғич баҳоси 4 426 000 (Тўрт миллион тўрт юз илтирма олти миң) сўм;

Закалат пули миқдори юқоридаги мулклар бошланғич баҳоси 10 фойзи миқдорда белгиланган.

Талабгорлар диққатига

Аукцион савдосида қўлиб топилган шахс 10 (ун) кунлик муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Мулк учун тўловларини тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истасангиз талабгорларнинг савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шартларга буюрмани юзатиш "Аукцион" ташкилотчиси" томонидан Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй (3-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб савдоларнинг ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истасангиз бўлган талабгорлар "Аукцион" ташкилотчиси" билан тузилгандики закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пуллариини тўлашлари ҳақида жисмоний шахслардан паспорт нусخаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхати-дан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, нисом нусхаси ва савдода қатнашувчи ишловчи вақид учун таъсисланган илтимомнома тақдим этилиши сўралади. Закалат тўлови учун реквизитлар: "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган МЧЖ СТИР 301480431, МФО 00120, ДАТ "Асабоник" Бухоро шаҳар филиалигадики ҳисоб рақами 2020800050482825001.

Буюрмани юзатиш қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқариладиган мулклар билан тавошуш ҳақида Савдоларни қўйидаги барча савдолар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишигиз мумкин.

"Аукцион ташкилотчиси" — "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган маъсулияти чекланган жамияти.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. (3-қават). Тел: 8 365 223-49-24. E-mail: bvtradeservice@mail.ru

Ўташларнинг охири оқибат бўлсин

Тошкент вилояти "Турон" ахборот-кутубхона маркази жамоаси ахборот-кутубхона маркази директори ўринбосари Алла ВАЛИУЛИ-НАГА турмуш ўрғони

Рашид ВАЛИУЛИНИНГ

вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.



“Бунёдкор” қасри

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақам билан 2006 йил
6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ,
Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАҲМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ,
Шомансур АБИДХОЛЖАЕВ, Сувай НАЖБИДИНОВ,
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлиши мумкин.
Наширимиздан кўчириб босилганда “Xabar” дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор شوҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.

Газета
ҳафтанинг
жума кунин
чиқадди

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

Г-1052 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 13851 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда
226-47-80

Бухорода
223-27-85

Гулистонда
40-12-19

Жиззахда
226-06-34

Навоийда
225-91-10

Наманганда
232-97-86

Нукусда
554-35-45

Самарқандда
233-61-81

Термизда
224-06-12

Тошкентда
288-40-66

Урганчда
226-37-16

Фарғонада
224-91-56

Қаршида
931-08-99